## ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОРДА

**Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиш прокуратура органларининг муҳим бурчидир.** 5 бет

## ДЎСТЛИК ШАҲРИ

**Хорижий фуқароларнинг баъзиларини суҳбатга тортиб, улардан азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари билан қизиқдик.** 12 бет



# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 20-avgust, №34 (659)





## ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

**уларнинг тарихи, номланиши ва маъноси**

Ҳар қандай улкан қурама жамоат таркиб топиб, алоҳида, ўзига мақбул жойда истиқомат қилар экан, мазкур маскан шаҳар қиёфасига киргач, ўзига хос рамзий белгилари: дарвозали мудофаа девори, маҳкама-ю девондан иборат бошқарув қароргоҳи, ибодатхона, бозор, соқчилар истеҳкоми — "Чокардиза"(каземат)и, танга пули каби қатор нишонлари (тамға-герб, байроқ) билан ифодаланади. Мазкур шартли аломатларга тўла ўтроқ макон қадимда дастлаб "Шаҳристон" яъни "шоҳ > ўр > истон" номи билан аталган. Ушбу тарихий атама "шоҳ турадиган баланд жой", яъни катта уй маъносини англатган. Агарда мазкур белгилар кўзга тўлиқ ташланмаса, бундай турар жой шаҳар қаторида қайд этилмаган. Қиёфаси ҳали батамом шаклланмаган манзиллар "Маскат", яъни мас > кат — катта уй ёки катта қишлоқ деб аталган. Масалан, ўтган йили ўзининг икки минг йиллик юбилейини нишонлаган қадимги Марғинон - Марғилон шаҳри илк бор Маскат номи билан қад кўтарган. Шаҳарнинг марказий қисмида ўтмишда барпо этилган турар жойлар алоҳида ҳунармандчилик маҳалласига айланган, у қадимги табаррук ном — Маскатни тарк этмай, замонамизгача авайлаб сақлаб қолган.

Шунингдек, ёши 2750 йилдан ошган, тобора кўркамлашиб бораётган жаҳонга машҳур Самарқанд шаҳри ҳам даставвал Оби Машат, яъни суви (Сиёб ёки Сиёҳоб) соҳилидаги катта қишлоқ, яъни Маскат номи билан аталган. Мазкур атама Қуссам ибн Аббос ёдгорлиги орқали Оби Машхат шаклида бизгача етиб келган.

**(Давоми 6-бетда).**

**Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Тошкент вилоят прокурорининг ўринбосари**

## ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАД

Тошкент вилоят прокуратураси органларининг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2009 йилнинг биринчи ярми мобайнидаги фаолияти қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, Бош прокуратура ҳайъатининг қарорлари ҳамда иш режалари асосида ташкил этилиб, муайян ишлар амалга оширилди.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 1676 та текширувлар натижаларига кўра 23700 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 9330 нафар шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 360 та жиноят ишлари қўзғатилди. 174 млн. 545 минг сўм зарар ихтиёрий қоплатилди, 6 млрд. 834 млн. сўмни ундириш юзасидан судларга 2624 та даъво аризалари киритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига путур етказилаётган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар кўрилганлиги натижасида, аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўловининг амалга оширилиши бирмунча жадаллаштирилиб ижтимоий соҳаларда прокурор назоратининг самарадорлигига эришишга ҳаракат қилинди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан олиб борилган назорат тадбирлари натижасида пенсия ва нафақа тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ бартараф этилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига асосан ҳисобот даврида 43715 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, белгиланган режа ортиғи билан уддаланди.

Оҳангарон шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси мансабдор шахслари томонидан ишчи хизматчиларнинг иш ҳақидан 64.1 млн. сўмлик қарздорликка йўл қўйилиб, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш чоралари кўрилмаганлиги аниқланган. Оҳангарон шаҳар прокуратураси томонидан корхона раҳбари З.Насруллаев ва бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи В.Намаеваларга нисбатан ЖК нинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди, 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Иқтисодиёт соҳасида қонунийликни таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги текширишларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилган бўлсада, вилоят ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги 2009 йил 1 июль ҳолатига кўра 129,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 92.5 млрд. сўмга, муддати ўтган кредитор қарздорлик 98.7 млрд. сўмни ташкил этиб, 47.7 млрд. сўмга камайишига эришилди.

**(Давоми 8-бетда).**

**Маҳрамқул ЭРМАТОВ,**
**Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари**

## НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ...

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтган 18 йил шак-шубҳасиз, барқарор тараққиёт, фаровонлик йиллари бўлиб тарих саҳифаларига киради. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида одамларнинг турмуш тарзи фаровонлашиб, юртимиз иқтисодий салоҳияти юксалмоқда. Энг муҳими, суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиланишлар натижаси ўлароқ инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилди. Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўз самарасини бериб, фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Шунинг баробарида одамларда қонунни ҳурмат қилиш ва унга итоат этиш кўникмаси шаклланиб бормоқда.

Таъкидлаб ўтиш керакки, прокуратура органлари олдидаги энг муҳим вазифа - фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунлар ижросини назорат қилишдан иборат. Бинобарин, қонун устуворлиги сўзсиз амал қилган жойдагина ислоҳотлар ўз самарасини бериб, ривожланиш бўлади. Шу боис, жорий йилнинг олти ойи мобайнида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Прокуратура органлари назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни жадаллаштиришга доир қонунлар, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини таъминлашга қаратди.

2009 йилнинг ўтган даврида турли соҳаларда ўтказилган 1029 та текшириш натижаларига кўра 13654 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мансабдор шахсларнинг 946 та ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатлари протестлар асосида бекор қилинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 1072 та тақдимнома орқали бартараф этилди. Текшириш натижаларига кўра 5881 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 148 та жиноят ишлари қўзғатилди. Етказилган моддий зарарнинг 134 млн. 961 минг сўми айбдор шахслар томонидан ихтиёрий қопланиши таъминланди. Шунингдек, жами 748 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди ва аниқланган зарарни ундириш юзасидан судларга 9 млрд. 332 млн. сўмлик 1928 та даъволар киритилди.

**(Давоми 4-бетда).**


*ОБУНА —2010*

*Нашр кўрсаткичи — 231*

## *Ҳурматли газетхон!*

***Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.***

***Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.***

***Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.***

***2010 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.***

***Обуна бўлишга кеч қолманг!***



# ЭГАЛИК ҲУҚУҚИНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

Якка тартибда уй қуриш фуқароларнинг уй-жойга бўлган талаб эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади ва давлат якка тартибдаги уй-жой қурилишига ер участкаларини ажратиш, уй қуришга ссуда ва кредитлар бериш йўли билан ҳар тарафлама кўмаклашади.

Судлар томонидан уйга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари кўрилаётганида қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланиши фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган умумлаштириш якунларига кўра, мазкур тоифадаги низоларни кўришда айрим ҳолларда судлар ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиб, ноқонуний қурилган қурилмаларга эгалик ҳуқуқини белгилаб, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаганлиги аниқланди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 23-моддасига кўра, ер участкаларини ажратиб бериш ижроия ҳокимияти ваколатига киради.

Мулк ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантиришда айрим ҳолларда асоссиз равишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 187-моддасига асосланмоқда, бироқ мазкур қонун нормаси фақаттина қурилмалар қонунда белгиланган тартибда мулк ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳолларда қўлланилиши эътибордан четда қолмоқда.

Ўз навбатида бу фуқаролик ишларида иштирок этаётган ижро ҳокимияти органлари вакиллари ваколатлари доирасида йўл қўйилаётган қонунбузарликларга ўз вақтида тегишли чора кўрмасдан, судда баъзи ҳолларда асоссиз тарзда даъвони қаноатлантириш ҳақида, баъзи ҳолларда эса даъвони қаноатлантиришни судга ҳавола қилиш ҳақида асослантирилмаган фикрлар берганлар.

Айрим ҳолларда судлар ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар бошқа шахсларнинг эгалик ҳуқуқи эмас, балки фойдаланиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлса-да, бироқ мазкур қурилмаларга нисбатан даъвогарнинг эгалик ҳуқуқини белгилаб берганлар.

Баъзи бир ҳолларда мутасадди ташкилотлар ер майдонларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги ҳолатлари юзасидан берилган ваколати доирасида ўз вақтида тегишли чоралар кўрмасдан, қонунга асосланмаган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судларга ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини бўшатиш ҳақида даъво аризалар билан мурожаат қилганликлари ҳам аниқланди. Ваҳоланки, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган фуқаро ва юридик шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 60-моддасига кўра, маъмурий жавобгарлик чорасини кўриш учун судга мурожаат қилиниши лозим эди.

Айрим вақтларда судлар томонидан ҳокимиятнинг даъво аризалари бўйича ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиш ҳақидаги даъволари рад этилган ёки кўрмасдан қолдирилган бўлса-да, бу ҳолатга тегишли муносабат билдирилмасдан қолаяпти. Оқибатда уй-жой ёки бошқа мақсад учун ажратилмаган ер майдонлари ноқонуний равишда эгаллаб олиниб, давлат манфаатларининг бузилишига олиб келмоқда.

Мазкур тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорларининг асослилиги ва қонунийлигини ўрганиш давомида айрим ҳолларда ўзбошимчалик билан ер майдонларини эгаллаб, ноқонуний қурилмалар қурган шахслар МЖтКнинг 160-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилган бўлсалар-да, ўзбошимчалик билан ер майдонини эгаллаганлик ҳолатларига тегишли ҳуқуқий баҳо берилмасдан, ҳуқуқбузарлик учун объектив ҳамда ҳар томонлама қонуний чоралар ҳамма вақт ҳам кўрилмасдан қолганлиги аниқланди.

Шу боис Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан шу тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ноқонуний қарорларига нисбатан 2006-2008 йил ва 2009 йилнинг ўтган 6 ойи давомида апелляция тартибида 33 та, кассация тартибида 156 та ва назорат тартибида 205 та протест келтирилган бўлиб, ушбу протестларнинг барчаси Тошкент шаҳар судининг тегишли инстанциялари томонидан қаноатлантирилган.

Шаҳар прокуратураси томонидан қурилмаларга эгалик ҳуқуқининг белгиланиши билан боғлиқ низолар бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлигини ўрганиш давомида, ушбу тоифадаги ишлар бўйича 2 та суд қарорининг қалбакилаштирилганлиги ҳолати ҳам аниқланган. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди судьяси Э.Закировнинг Кох-ота кўчаси, 120-А уйга нисбатан фуқаро Б.Умаровнинг эгалик ҳуқуқини белгилаш бўйича ва яна ушбу судья томонидан Уйғур кўчаси, Қизил Шарқ тор кўчаси 80-уйга нисбатан фуқаро В.Мусаеванинг эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.

Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш давомида, мазкур суд томонидан 2007-2008 йиллар давомида кўрилган фуқаролик ишларини рўйхатга олиш умумий ва алифбо рўйхат китобларида юқорида кўрсатилган фуқароларнинг даъво аризалари рўйхатга олинмаганлиги ва бу ҳақдаги фуқаролик ишлари кўрилмаганлиги аниқланган.

Текшириш натижасига кўра, юқоридаги иккита ҳолат бўйича Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан 2009 йил март ойида ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган.

Амалиётда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида такрорламаслик учун Тошкент шаҳар прокуратурасида туман прокурорларининг соҳа бўйича ёрдамчилари ва судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими ходимлари иштирокида семинар ўқув-машғулоти ўтказилди, унда ноқонуний қурилмаларга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш юзасидан суд-прокурор амалиёти бўйича ўтказилган умумлаштириш муҳокама қилинди.

Шу билан бирга Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан "Ноқонуний эгалланган ер майдонлари ва ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларга оид низолар юзасидан суд-прокурор амалиёти"га бағишланган бюллетень чиқарилди ҳамда бу тоифадаги ишларни ўрганишда қулайлик бўлиши учун янгилик сифатида бюллетенга айнан ноқонуний қурилмаларга оид низоларнинг судда кўрилиши бўйича керакли норматив ҳужжатлардан кўчирмалар ва протестларнинг электрон лойиҳаси илова қилинди.

Ушбу бюллетень туман прокуратураларига тарқатилди, унга киритилган норматив ҳужжатларни ўрганиш юзасидан ходимларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш бўйича туман прокурорларининг соҳа бўйича ёрдамчиларига алоҳида топшириқ юборилди.

Натижасига кўра, ушбу йўналишдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзлаштирилганлиги ҳолати бўйича ҳар бир ходимдан синовлар қабул қилинди.

**М.ОБИДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари**

# ҚОНУНБУЗАРЛАР

**Бугун ноқонуний валюта савдосидан бой бўлишни орзу қилаётган шахслар давлат рамзи — миллий сўмни камситиш билан иқтисодий ислоҳотлар оқсашига, нақд пул айланмаси сусайишига "улуш" қўшаётганларини англармикан...**

Департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими ходимлари томонидан 2009 йил 24 июнь куни ўтказилган тадбирда Х.Аҳмедов "Дилкушо" деҳқон бозори ҳудудида фуқаро Д.Базаровага қонунга хилоф равишда ҳар бир Еврони 2410 сўмдан жами 1300 Еврони 3.133.000 сўмга, ҳар бир Россия рублини 56.5 сўмдан жами 10000 Россия рублини 565.000 сўмга ҳисоблаб сотган вақтда қонун қармоғига илинди. Ушбу ҳолат юзасидан Х.Аҳмедовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қонун доирасида фаолият юритган муассаса ва ташкилотнинг ишида ишкаллик бўлмайди. Аммо корхонада қонун талабларига панжа орасидан қаралдими, у ердаги мутасаддилар қонун олдида жавоб берадилар.

Департамент ходимлари томонидан Бухоро шаҳридаги "Бухороуйқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятининг фаолиятини ўрганиш жараёнида бир қатор қонунбузилишлар аниқланди.

Маълум бўлишича, ушбу ОАЖнинг мансабдор шахслари Президентимизнинг "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги "Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ва Солиқ кодексининг 32-моддаси 2-бандига зид равишда фаолият юритишган. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун соддалаштирилган ягона солиқ тўлови бўйича ишчилар сони 50 кишигача белгиланган. Жамиятда 2008 йилда ишчи-ходимлар сони 69 нафарни ташкил этган. ОАЖ умумий тартибда солиқ тўловларини тўлаши лозим бўлса-да, белгиланган имтиёздан ноқонуний фойдаланиб, давлат бюджетига жами 547018,6 минг сўм солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш ўрнига 223463,1 минг сўм ягона солиқ тўловлари тўлаб келинган.

323555.5 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан бўйин товлаган "Бухороуйқурилиш" ОАЖ мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

**О.ҲИКМАТОВ,**
**Департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи.**
**Б.ШАРИПОВ,**
**бўлим бошлиғи ўринбосари**

# Билим ва тажриба йўлида

Прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириб бориш муҳим омиллардан бири этиб белгиланган. Шу боис, Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратларини ошириш, уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш, ўз ишининг устаси қилиб шакллантириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Навбатдаги ана шундай тадбирлардан бири 13-15 август кунлари Бухоро шаҳрида Ҳарбий прокуратура органларида хизматни ўтаб келаётган ёш мутахассислар билан "Мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда ҳарбий прокуратура органларининг роли" мавзусида ўтказилди.

Амалий-семинар машғулотларда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришишининг тарихий аҳамияти, мустақиллик йилларида юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, яратилган имкониятлар ҳамда эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Ёш мутахассисларга мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадлар дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ҳарбий прокуратура органларига юклатилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари ҳамда Президентимизнинг 2009 йил 23 июнь кунги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларининг мазмун ва моҳияти етказилди.

Бундан ташқари, Бухоро Давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, Бухоро вилоят ИИБ, Бухоро вилоят прокуратураси, Республика Ҳарбий прокуратурасининг тажрибали ходимлари ҳамда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлигининг масъул ходимлари ёш мутахассислар билан учрашиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий ва сиёсий салоҳияти, мустақиллик даврида эришилган асосий ютуқлар, уларнинг аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида прокуратура органларининг ўрни ва вазифалари юзасидан ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Ёш мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилардан тўлақонли жавоб олишди.

**Б.ҚУДРАТХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**

# «ЎЛЖА» ВА «ОВЧИ»

Ота-она фарзандининг келажаги учун қайғуриши табиий ҳол. Гулҳаё Фарғона тиббиёт коллежининг битирувчи курсидаёқ отаси ташвишга тушди. Баҳодир ака қизига иш қидириб, Бешариқ туман тиббиёт бирлашмасининг кадрлар бўлимига учради. Бўлим бошлиғи Зокиров Умурзоқ (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Баҳодир аканинг гапларини тинглагач, қизини ишга жойлаштиришга ваъда бериб, Гулҳаёнинг ҳужжатларини кечиктирмай олиб келиш зарурлигини тайинлади. Баҳодир ака эртага ҳужжатларни олиб келишини айтиб хайрлашди-да, хушхабар билан уйига қайтди.

— Гулҳай қизим, сенга яхши жойдан иш гаплашиб келдим. Эртага ҳужжатларингни топшириб келаман. Яқин орада иш бошлайсан...

— Дала, қаерга гаплашиб келдингиз?

— Ўзимиздаги Бешариқ туман тиббиёт бирлашмасидаги туғруқхонага, акушерликка...

Эртаси куни Баҳодир ака қизининг ҳужжатларини топшириш учун йўлга чиқди. Умурзоққа ҳужжатларни топширар экан:

— Ука, қизим қачондан иш бошлайди?! — деб сўради.

— Амаки, уч кундан кейин яна хабар олиб кетинг, — деди Умурзоқ мийиғида кулиб.

Эрта келинг, индин келинг деган баҳоналар билан орадан олти ой ўтиб кетди. Июль ойида топширилган ҳужжатлар янги йилгача тиббиёт бирлашмасида жавобсиз ётди. Ниҳоят, Гулҳаёнинг отаси қатнашдан чарчади. Янги йил байрами ўтгач, Баҳодир ака Умурзоқ билан жиддий гаплашиш ниятида унинг олдига борди.

— Ука, қизимнинг ҳужжатларини 6 ой олдин қабул қилиб, эрта келинг, индин келинг деб чарчатдингиз. Муддаоингизни айтинг. Қизим қачон ишга қабул қилинади?!

— Амаки, ақлли кишига ўхшайсиз. Ҳозирги кунда ҳамма нарса "маблағга" бориб тақалади. "Қуруқ қошиқ оғиз йиртар", дейишади, ахир! Мени тушунган бўлсангиз керак...

Ишга кириш учун пул сўраётганини англаб етган Баҳодир ака, гапни чўзиб ўтирмади.

— Қанча берсак иш битади?!

— Бор экансиз-ку амаки. Ҳозирча 200 кўкидан олиб келинг. Қолганини кейин...

Баҳодир аканинг боши қотди. Ўйлай-ўйлай, миллий хавфсизлик хизмати бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

Пухта режа асосида порахўрнинг қилмишлари фош этилди. Зокиров Умурзоқ жиноят устида қўлга олиниб, ЖКнинг тегишли моддаси билан айбдор деб топилди. Порахўрлик жиноятига қўл урган юлғич 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жиноят кўчасига кирган инсонларнинг тўхташ манзили қамоқ бўлишини унутмаслик лозим.

**М.УМАРОВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ИНСОН ШАЪНИ...

**Фарғона вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Дилшод ҚУРБОНОВ билан суҳбат**

***— Мамлакатимизда одам савдосидек қабиҳ жиноятга қарши жамоатчиликка таянган ҳолда қатъий кураш олиб борилмоқда.- Кўпчилик фуқаролар виждон амри билан кўз ўнгларида юз бераётган ғайриинсоний қилмишга бефарқ қарашмаяпти. Қолаверса, бу прокуратура, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳамда Президентимизнинг одам савдосига қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қарори асосида олиб бораётган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот тадбирлари туфайли муросасиз жамоатчилик фикри шаклланганини кўрсатади. Одам савдосига қарши курашни кучайтириш, бундай қилмишларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишларга батафсил тўхталсангиз.***

— Аёлларни фоҳиша сифатида фойдаланиш учун сотиш, фуқароларни алдов йўллари билан қул каби ишлатиш каби одам савдосининг кўринишларидан жабрланганлар, уларнинг яқин кишилари, шунингдек маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари ва фаоллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этишмоқда. Ушбу жиноий қилмишларни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларида аниқланган ҳолатлар билан бирга жабрланганлар ёки уларнинг яқин кишилари мурожаатлари асосида жиноят ишлари қўзғатилиб, судга юборилмоқда, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан бирга жиноятнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Фуқаролар ўртасида тарғибот таъминланмоқда.

Бунга қуйидаги жиноят ишларини мисол келтириш мумкин. Фарғона шаҳрида яшаб, нефтни қайта ишлаш заводида лаборант бўлиб ишлаган 46 яшар Сейда Гейнутдинованинг боқиб олган, сўнгра болалар уйида тарбияланган қизи Рената Кутбитдинова Бирлашган Араб Амирликларига кетиб юборган. Сейда билан телефонда гаплашиб турган. Фоҳишалик билан шуғулланаётганини яширмаган. Таниш қизларни официант, дўкон сотувчиси бўлиб ишлашга қизиқтириб, Дубай шаҳрига жўнатишни тайинлаган. Қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида яшайдиган Абдусалом исмли шахснинг телефон рақамларини берган С.Гейнутдинова ўтган йил апрель ойида боқиб олган қизининг дугонаси Т.Кимни Бирлашган Араб Амирликларида официант бўлиб ишлаб катта даромад олишига ишонтириб, жўнатиб юборишни зиммасига олган. Уни Ўш шаҳрига бошлаб бориб, Абдусалом билан учраштирган.

Ўтган йил июль ойи бошларида юқоридаги йўсинда И.Панина ва вояга етмаган Д.Курбангулованни, август ойида Е.Гришенкони Ўш шаҳрига бошлаб бориб, Абдусаломнинг қўлига топширган. Абдусалом самолётга чиқариб юборган қизларни Дубай шаҳридаги аэропортда жиноий шериклари кутиб олиб, исловатхоналарда фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишган. Исловатхоналардан қочган қизларни полиция ушлаб, судга топширган. 1.5 ой ҳибсда ушлаб турилиб, жарима жазосига тортилган қизлар мамлакатдан депортация қилинган.

С.Гейнутдинова айбига қисман иқрор бўлди. Қизларни алдаб чет элга фоҳишаликка юборганини тан олди. "Мен уларни Ўш шаҳрига олиб бориб, Абдусаломга рўпара қилганман, қизлар тансотарлик қилишларини билганман", деди.

Ёзёвон туманининг Хонобод қишлоғилик Шуҳрат Усмонов эса Қозоғистонлик Эрбул исмли танишидан олган 50 минг қозоқ тангаси эвазига беш нафар фуқароларни 300 минг сўмдан иш ҳақи олишларига қизиқтириб, қўшни мамлакатга олиб чиқиб кетган. Уларни танишининг қўлига топшириб, ўзи "Олма-ота шаҳрида ишим бор" деб кетиб қолган. Қурилишда ишлаб Эрбулнинг молхонасида ётиб юрган бешовлон иш ҳақини сўраганларида "сенларни Шуҳратдан сотиб олганман" дея бир тийин ҳам бермаган. Олма-отадан қайтиб келган Шуҳрат эса Эрбул иш ҳақларингни менга беради, уйларингга жўнатиб тураман, деб алдаб юрган.

Суд С.Гейнутдиновага 7 йил, Ш.Усмоновга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Одам савдоси бўйича 2008 йил олти ойи мобайнида вилоятда 13 та, шу йил биринчи ярмида 63 та жиноят ишлари қўзғатилди.

***— Юқоридаги мисолларда кўрганимиздек, аксарият ҳолларда чет элга "ишга ёлловчи" фирибгарларнинг тузоғига ишсиз фуқаролар тушиб қолишяпти. Одам савдоси жиноятини келтириб чиқарувчи билвосита сабаблардан бири меҳнат ва бандлик муаммоси қандай ҳал этилмоқда?***

— Аксарият ҳолларда чет эллардаги магазинларда, ошхона ва ресторанларда ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, аслида аёлларни исловатхоналарда фоҳишалик қилишга мажбурлашган. МДҲ мамлакатлари, Қозоғистон, Россия корхоналари ёки қурилишларида юқори маош тўланишига қизиқтириб олиб кетишган фуқароларни ҳам "ёлловчилар" сув текинга ишлатишган ҳолатлар оз эмас. Бунинг олдини олиш учун прокуратура органлари меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, ишсизлик муаммосининг ҳал қилиниши борасидаги тегишли идора ва муассасаларнинг фаолиятларини таҳлил этишмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш борасида фаол иш юритишмоқда. Ҳокимликлар, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда жойларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил қилишмоқда.

Вилоятимизда бу йил 89 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш дастури ишлаб чиқилган. Асосий эътибор касаначилик, оилавий бизнес, кичик бизнес ва сервис хизматлари соҳасида иш ўринлари яратилишига қаратиляпти. Ўтган ярим йил мобайнида кўзда тутилган салкам 46 минг ўрнига 47600 дан зиёд иш ўринлари яратилди. Тадбиркорларга иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг маблағлари ҳисобидан тижорат банклари 3.3 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағларини ажратиб беришди. Бунинг ҳисобига 7400 нафар фуқаролар иш бошлашди.

Шаҳар ва туман прокуратуралари тааллуқли идоралар билан ҳамкорликда 47 марта ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида корхона ва муассасалар, тадбиркорлар 14800 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашишди. Уларда 3877 нафар фуқаролар ишга йўлланмалар олишди.

Олти ой мобайнида шаҳар ва туманлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар рўйхатига олинган 24128 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди. 3911 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди.Чет элдан қайтган аксарият фуқаролар иш билан таъминланди.

***— Хорижга ишга юборувчи расмий идоралар — ташқи миграция ва меҳнат агентлигининг жойлардаги бўлимлари фаолиятларини кучайтириш одам савдоси жиноятларининг олдини олувчи воситалардандир. Афсуски, ушбу идоралардаги ҳаддан зиёд расмиятчилик чет элга ишга отланганларнинг ҳафсаласини пир қилиб, норасмий ишга ёлловчиларнинг тегирмонига сув қуяётган ҳолатлар учрамоқда.***

— Дарвоқе, Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Фарғона минтақавий бюросининг фаолияти талабга жавоб бермайди. Реклама воситаларидан самарали фойдаланилмагани туфайли ҳатто жойларда, айниқса, чекка туман ва қишлоқларда ушбу идора борлигини ҳам кўпчилик билмайди. Минтақавий бюро хорижий корхона ва муассасалардаги ишчи-ходимларга талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, улар билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш, мақбул иш ва маиший шарт-шароитлар таклиф қилинган жойларга шартномалар асосида ишга йўллаш каби йўналишлардаги ишини кенг йўлга қўйиши лозим. Иш таклиф этаётган хорижий ҳамкорни муфассал ўрганмаслик нохуш оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан, вилоят минтақавий бюроси ҳамда Россия Федерациясини Волгоград области Николаевск районида жойлашган "Россакомп" МЧЖ ўртасида келишув битим тузилган. Шунга асосан 14 нафар Ўзбекистон фуқароларини МЧЖлан келган вакиллар Тошкент шаҳрига, у ердан ноқонуний йўллар билан чегарани кесиб ўтиб Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрига олиб боришган. Поездда Волгоград областига жўнатишган. 14 нафар фуқароларни Новая Надежда посёлкасида фуқаролик паспортларини олиб қўйиб қишлоқ хўжалиги ишларида ишлатиб, иш ҳақларини беришмаган.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқий билимларни сингдириб бориш, меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, янги иш ўринларини яратилишини рағбатлантириш, меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш борасидаги қонунчилик ижросини таъминлаш орқали одам савдосининг олдини олиш энг муҳим вазифаларимиздандир.

**Суҳбатдош: «Huquq» мухбири**
**Исроил ИБРОҲИМОВ**

---

# ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ҚУРБОНЛАРИ

**Ҳуқуқий демократик давлатда тинчлик ва хотиржамликни сақлаш учун биринчи навбатда инсон хавфсизлигини таъминлаш, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш лозим. Одам савдосининг салбий оқибатларини инобатга олган ҳолда республикамизда унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**Одам савдоси каби жирканч жиноятга қарши курашиш бўйича меъёрий қонунчилик базаси шаклланди. Давлатимиз одамларнинг яширин трафигига қарши кураш ва бу тур жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича асосий халқаро ҳужжатлари билан юқорида тилга олинган қонун нормалари ҳаётга татбиқ этилди. Бу турдаги жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий режа тасдиқланди ҳамда тегишли органлар ва жамоат ташкилотларининг аниқ вазифалари белгиланди.**

**Кўпчилик ҳамюртларимиз хорижий давлатларнинг қонунчилигини яхши билмасдан мўмай даромад топиш мақсадида чет элларга жўнаб кетаётиб, таваккалига йўл тутишмоқда. Маълумотларга қараганда, жиноятчи гуруҳлар ишонувчан аёлларни ноқонуний ва айланма йўллар билан асосан Бирлашган Араб Амирликлари ва Ҳиндистонга шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун олиб чиқиб кетишмоқда.** Ёлланма ишчи эркаклар қурилишларда ишлаш учун Қозоғистон ва Россия давлатларига ноқонуний юборилмоқда. Хорижий мамлакатга киришлари билан воситачилар жиноят қурбонларининг фуқаролик паспортларини олиб қўйишади. Чорасиз қолганлар эса оғир меҳнатга маҳкум этилиб, қадр-қиммати топталади.

Хоразм вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 2008 йилда ЖКнинг 135-моддаси билан 55 та жиноят иши қўзғатилиб, 61 нафар шахсга нисбатан суднинг ҳукми билан жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 26 нафар шахсга нисбатан 20 та жиноят иши қўзғатилди.

Масалан, фуқаро Д.Сапаев ҳамюртларимиз Р.Пирназаров, М.Матёқубов, С.Матёқубов, Т.Шеров, С.Эрметов, F.Холлиев, Ш.Ортиқов, Б.Ортиқов ва Б.Қурбонбоевларни алдаб, уларни Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилояти Сарикамар туманига олиб борган. Қозоғистонлик "Алек" исмли шахс билан жиноий тил бириктириб, бир йил давомида ҳамюртларини қурилишларда ишлатган ва уларнинг 31 млн. 416 минг сўм миқдоридаги иш ҳақларини бермаган. Д.Сапаевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан айб эълон қилиниб, суд ҳукми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шунингдек, муқаддам одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир этиб, амнистия актига асосан жавобгарликдан озод бўлган фуқаро М.Мадаминова тегишли хулоса чиқармасдан яна шундай қонунбузарлик содир эттан.

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг ҳукмига асосан М.Мадаминова ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми "б, д, е, ж" бандлари билан айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Аёл деган номга доғ туширганлардан яна бири Р.Девонова ҳам алдов йўлига ўтиб, қизларни аврайди. У фуқаро М.Носировани "сартарошлик қиласан" деб алдаб, Деҳли шаҳрига юборади ва шаҳвоний мақсадларда фойдаланади. Шунингдек, тергов давомида у Н.Салимовани ҳам ёллаб, ғараз мақсадларда Ҳиндистонга юбормоқчи бўлганлиги аниқланди. Р.Девонова Урганч туман суди томонидан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан одам савдосига қарши курашиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича халқаро тажрибалар ўрганилмоқда.

Одам савдоси билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний фаолиятини аниқлаш, бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриб келинмоқда. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида чет элга кетишни таклиф қилаётган шахслар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш бўйича тарғиботлар яхши самара бераяпти. Хорижий давлатларга дам олиш, даволаниш, саёҳат ва бошқа мақсадларда кетаётган фуқаролар билан жойларда учрашувлар ўтказилиб, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жойларда бу масалага бағишланган учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатлари мунтазам олиб борилиб, одам савдосига қарши курашиш ҳақидаги видеофильмлар намойиш этилмоқда. Аслида бундай жиноятларнинг келиб чиқишига фуқароларимизнинг соддалиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва чет элда қонуний асосда ишлашнинг тартиб-қоидаларини билмасликлари сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг чет элга ишлаш учун қонуний асосда юборилиши фақат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан амалга оширилади.

**Нодирбек БОЙТЕМИРОВ,**
**Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари**




**Саҳифамизда Жиззах вилоят прокуратураси органлари**



# НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кучли ижтимоий сиёсат жамиятда барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий тамойилларидан биридир. Давлатимиз бу масалага катта эътибор бериб келмоқда. Кейинги йилларда прокуратура органлари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясига доир қонунлар ижроси бўйича назорат ишлари кучайтирилди. Мазкур йўналишда 23 та текшириш ишлари ўтказилди. 370 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилиб, фуқаролик судларига 55 млн. сўмлик 164 та даъво аризалари киритилди.

Пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича текшириш ва мониторинглар ташкил этилди. Таҳлиллар давомида нафақалар ўз эгаларига тўлиқ, ўз вақтида етиб борилмаслиги, иш ҳақлари, таътил ва мукофот пулларининг кечикиб берилаётганлиги, бир сўз билан айтганда, талон-торожлик ҳолатларига узил-кесил барҳам берилмаётганлик ҳолатлари маълум бўлди. Оқибатда, жиддий қонунбузилишлар бўйича 6 та жиноят ишлари қўзғатилди.

З.Умурзоқова Ғаллаорол туман, Бахт МФЙ котибаси вазифасида ишлаб келиб, туман бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари билан олдиндан жиноий тил бириктиради. У расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан Самарқанд шаҳрида яшовчи, Ғаллаорол туманида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтмаган қайнсинглиси С.Рамазоновага сохта ҳужжатлар тайёрлаб, ишсизлик нафақаси тайинлашга эришади. Бундан ташқари, у қизи Н. Шакаровага 2007 йил апрель ойидан 2009 йил 1 апрель кунига қадар туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Камолот" ЁИҲда фаолият юритиб келган бўлишига қарамасдан, сохта ҳужжатлар асосида ишсизлик нафақаси тайинлайди. З. Умурзоқова жами икки ҳолатда 748885 сўм миқдорида ишсизлик нафақасини ноқонуний тайинлаб, бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

Давлат тижорат "Халқ банки" Мирзачўл филиалига қарашли 17-шохобчада хазиначи вазифасида ишловчи М. Бекмирзаева "Ўзбекистон" ҚФЙнинг қарори билан фуқаро М.Ҳакимовага 1 нафар фарзанди учун тайинланган нафақанинг жами 251000 сўмини тўлов қайдномаларидаги имзоларини қалбакилаштириб, пулларни ўзлаштирган. "Дўстлик" МФЙ раиси Б.Қалдарбекова ва котиби А.Кувноқовлар эса 2008 йилнинг январь ойидан 2009 йилнинг 1 апрелига қадар 2 ва 16 (18) ёшгача фарзанди бор оилаларга жами 38 ҳолатда 8 млн. 383 минг сўм нафақа пулларини нотўғри тайинлаганлар.

Иш ҳақларининг тўланишига оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра жами 541 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 173 нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 55 млн. сўмлик иш ҳақларини ундириб бериш юзасидан 164 та даъво аризаси киритилди.

Зомин туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Э.Холматов номли ҚФП менеджери Х.Қаршибоев ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларини тўлиқ тарқатмасдан келган. Аниқроғи, ходимларнинг имзоларини қалбакилаштириб, жами 6 нафар ходимнинг 1 млн. сўмдан зиёд иш ҳақларини ўзлаштирган.

Банклар ва нақд пул муомаласи тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги таъминланди. Таҳлиллар давомида 572 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 37,6 млн. сўмлик зарарларнинг ихтиёрий ундируви таъминланди. Аниқланган жиддий қонунбузилишлар юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, 2009 йилнинг февраль ойида Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи ва 9 нафар вилоят банкларининг бошқарувчилари, туманлардаги 14 нафар банк раҳбарлари биринчи даражали тўловлар учун нақд пул маблағларини етказиб бермаганлар. Бундан ташқари, текширишларда солиқ идоралари томонидан ноқонуний фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш чоралари кўрилмаётганлиги маълум бўлди.

Савдодан тушган нақд пул тушумларини назорат касса аппаратларидан ўтказмаслик ҳолатларининг олди олинмоқда. Дўстлик туманида фаолият кўрсатаётган 42 та тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан ва солиққа тортилмасдан фаолият кўрсатиб келган. Туман ДСИда фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар билан суҳбатлар ўтказилди. Натижада 28 нафар тадбиркорнинг қайтадан ўз фаолиятини тиклашига эришилди. Туман прокуратураси аралашуви билан янгидан рўйхатга олинган ва фаолияти тикланган жами 70 нафар тадбиркорлик субъектлари томонидан бир ойдан зиёд вақт давомида давлат бюджетига жами 5 млн. 327 минг сўмдан ошиқ солиқ ва 2 млн. 607 минг сўмдан ошиқ нафақа бадаллари тўланиши таъминланди. Фаолияти тўхтатилган 6 та корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлардан кейин уларнинг ишга тушишига муваффақ бўлинди. Мазкур корхона ва ташкилотлар томонидан ҳар ойда банк муассасаларига ўртача 7 млн. 70 минг сўм нақд пул ва 1 млн. 863 минг сўм солиқ тўловлари тўланиши таъминланди.

Шунингдек, аҳолига уяли алоқа тўловлари учун пул маблағлари ўтказиб берувчи 18 та алоқа дилерлари томонидан тушган нақд пулларнинг банкка топширилиш аҳволи ҳам ўрганилди. Маълум бўлишича, 104,5 млн. сўм нақд пуллар банк хазиналарига топширилмаган. Бир ой давомида уяли алоқа хизмати тўловларидан тушадиган 2,0 млрд. кўпроқ нақд пуллар Тошкент шаҳридаги фирмалар ҳисобига тўлаб берилаётганлиги аниқланди.

Вилоятда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурининг ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дўстлик туманида бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан ундаги режавий кўрсатгичларнинг бажарилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси тўлиқ таъминланмаган. Туманда қишлоқ аҳоли яшаш жойлари рўйхатини ва уларни ичимлик суви билан таъминланишининг ҳисоблаб чиқилган аниқ муддатлари ишланмаган. Шу билан бирга ҳудудий комиссия томонидан сув билан таъминлаш дастурининг бажарилиши юзасидан мониторинг ишлари олиб борилмаган.

Текшириш натижасига кўра, туман прокуратураси томонидан аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон яратаётган шарт-шароитларни бартараф этиш учун ваколатли идораларга 3 та тақдимнома киритилди. 6 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди.

Пахтакор туман "Субоқава" корхонаси мансабдор шахслари ўз ваколатларини истеъмол қилиб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритадилар. Сўнгра жами 2886,3 минг сўм аҳолидан ичимлик суви учун тўланган тушум пулларини банкка топширмасдан талон-торож қилганлар. Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан "Субоқава" корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлаш, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ўтказилган мониторинг ва текширишлар давомида фермер хўжаликларига 167,2 га ер майдони, 194,0 тн. минерал ўғит, 42 тн. чигит, 128,4 тн. омухта ем, 68,8 тн. нефть маҳсулотлари олишда, 42,9 млн. сўмлик дебитор ва 7,5 млн. кредиторлик қарзларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган давр мобайнида ер майдонларидан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиш, ноқонуний эгаллаб олиш ва талон-торож қилиш каби ҳолатларни аниқлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда ўтказилган 33 та текшириш натижаларига кўра, 1455 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 742 нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, аниқланган жиддий қонунбузилишлар бўйича 12 та жиноят иши қўзғатилди.

"Ш.Рашидов" СФУ ҳудудида жойлашган "Асил Хумоюн" фермер хўжалиги иш юритувчиси С.Исломов фермер хўжалигига қарашли бўлган 4 га. ер майдонини фуқаро Р.Якубов ва бошқаларга ноқонуний равишда жами 1 млн. сўмга сотганлиги аниқланган. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фориш туманидаги "М.Оролов" ширкат хўжалиги бош чўпони Х.Ҳикматов моддий жавобгарлигидаги 30 бош, 3,6 млн. сўмлик қўйларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, ширкат хўжалиги манфаатларига катта зарар етказган. Айни вақтда мазкур ҳолат юзасидан жинояти иши қўзғатилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш узлуксиз давом этадиган жараён. Бунга эришиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлат ва манфаатларини ҳимоя қилиш вилоят прокуратураси органлари ходимларининг доимий эътиборида бўлади.

## *МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА*

Яқинда Ғаллаорол туман прокуратураси "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури доирасида туман сув тармоқлари корхонасига қарашли "Сарбозор" қишлоғида жойлашган "Қўрғон" сув узатиш иншоотидаги аҳволни ўрганиб чиқди. Натижада бу ерда ичимлик суви узатадиган мавжуд 11 та артезиан қудуғининг 6 таси таъмирлашга муҳтож эканлиги аниқланди. Айни пайтда 46,8 км.узунликдаги сув қувурларининг 5,9 км. таъмирталаб, 1,7 км. узунликдаги қувур эса бутунлай яроқсиз аҳволга келган. Жумладан, Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 300 метр қувур бутунлай ишдан чиққан. Мониторинг натижаларига кўра туман сув тармоқлари корхонасининг масъул раҳбарларига нисбатан прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Албатта, бу ҳолат туманда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат Дастурининг ижроси етарли эмас, деган фикрни билдирмайди. 2009 йилнинг ўтган даврида бу соҳада ижобий ишлар ҳам амалга оширилди.

Дастур доирасида Тошкент — Дўстлик аҳоли пунктлари учун 2,5 км. масофада сув қувурлари ишга туширилди. Фуқароларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва қуришга ихтисослашган "Ихтисос қурилиш" хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Туман ҳудудидаги 22 км. узунликдаги хўжаликлараро автомобиль йўлларининг смета-ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш ишлари бошланди. Бир нечта иссиқхоналар ташкил этилиб, аҳолини қишда ҳам витаминли полиз маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Аммо масалага шу кун нуқтаи назаридан қараганда дастур ижросини таъминлашда ўз ечимини топмаётган муаммолар ҳам борлиги аниқланмоқда. Текширишлар дастурда кўзда тутилган 14 км. узунликдаги сув тармоқларини қуриш, 4 та қишлоқдаги сув таъминоти объектларини таъмирлаш, "Зарбулоқ", "Олтин бошоқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳудудларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2 тадан тик қудуқлар қазиш, ўрта юкламали 68 та трансформаторларни таъмирлаш ишлари ҳалигача бошланмаганлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги "Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Жабош, Жарғоқ, Йўлбулоқ, Қорапчи қишлоқларида яшовчи аҳолини сув билан таъминлаш масалалари Дастурга киритилмаган. Жами 274,6 км. узунликдаги сув қувурларининг 84,5 км. таъмирлашга муҳтож.

Прокуратура аралашувидан сўнг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" туман дастурига айрим қўшимчалар киритилди. Ғаллаорол шаҳарчаси ҳудудидаги сув қувурларини таъмирлаш ишлари юзасидан смета-лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, туман прокуратураси дастурнинг ижросини таъминлаши, аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ижтимоий ҳимояси соҳасидаги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатларининг ижросини доимий назорат қилиб бормоқда.

**Ш.МУСТАФОЕВ,**
**Ғаллаорол туман прокурори**

# ЮТУҚЛАРДА ҲИССАМИЗ БОР

**Вилоятимиз ғаллакорлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашди. Давлат омборларига 240 минг тоннадан зиёд ғалла топширилиб, йиллик шартнома мажбуриятини ошиғи билан бажарди. Бу ютуқларда деҳқонлар билан ёнма-ён ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб ишлаган прокуратура ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Энди бевосита фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, вилоят прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ижроси устидан доимий прокурор назорати ўрнатилган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Фармоннинг ердан қатъий равишда мақсадли ва оқилона фойдаланиш тўғрисидаги талаби ижроси юзасидан ўтказилган 33 та мониторинг ва текширишлар натижасига кўра, ғайриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 7 та протест келтирилиб, қонуннинг бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли идораларга 31 та тақдимнома киритилди. 653 нафар шахс қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 6 нафар шахслар интизомий, 734 нафар шахс маъмурий, 2 нафар шахсга нисбатан моддий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган. Аниқланган жиддий қонунбузиш ҳолати юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилган.

Жумладан, Жиззах туманида ўтказилган мониторингда, тумандаги "Ш.Рашидов" СФУ ҳудудида жойлашган "Асил Хумоюн" фермер хўжалиги иш юритувчиси С.Исломов фермер хўжалигига қарашли бўлган 4 гектар ер майдонини фуқаро Р.Якубов ва бошқаларга ноқонуний равишда сотганлиги аниқланган. Туман прокуратураси томонидан ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Сув ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган мониторингларда гидротехника иншоотларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, ғайриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 2 та протест келтирилиб, ваколатли идораларга 10 та тақдимнома киритилди.

Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг сақланиши, мақсадли ишлатилиши ҳамда улардан самарали фойдаланишда хўжасизликларнинг олдини олиш борасида ўтказилган мониторинг ва текширишларда ҳам айрим қонунбузилишлар аниқланган.

Хусусан, Пахтакор туманидаги А.Икромов пахта тозалаш корхонаси ёқилғи мойлаш шохобчаси мудири З.Эшматов ўзининг жавобгарлигида бўлган 5515 литр, умумий қиймати 4600,0 минг сўмлик ёқилғи мойлаш материаллари камомадига йўл қўйганлиги аниқланган. Туман прокуратураси томонидан З.Эшматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг "2008 йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ўтказилаётган назорат тадбирларида айрим қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Зарбдор туманида ўтказилган мониторингда, туман "Қишлоқхўжаликкимё" филиали омбор мудири Б.Абдураимовнинг жавобгарлигидаги умумий қиймати 11647.4 минг сўмлик минерал ўғит камомади мавжудлиги аниқланган.

Чорва-молларининг сақланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан прокурорлар томонидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари, ушбу соҳада идоравий назорат ва ҳисобот ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги натижада чорвамолларини ўзлаштириш ва талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Масалан, Фориш туманида ўтказилган мониторингда, тумандаги М.Оролов номли ширкат хўжалиги бош чўпони Ҳ.Ҳикматов қарамоғидаги чорва моллар саноқдан ўтказилганда, 3600,0 минг сўмлик 30 бош наслли қўйлар камомади мавжудлиги аниқланган.

Туман прокуратураси томонидан Ҳ.Ҳикматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари натижасида фермер хўжаликлари манфаатларига жиддий зиён етказиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Жумладан, Арнасой туманидаги "Мулла Мирзон ота" фермер хўжалигидан "Зафарobod пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг 2348613 сўм дебитор қарзи мавжудлиги аниқланиб, фермер хўжалиги фойдасига 2348613 сўм ихтиёрий ундирилиши таъминланди. Шунингдек, мазкур йўналишда ўтказилган мониторинг ва текширишлар давомида фермер хўжаликларига 167.2 га ер майдони, 194.0 т. минерал ўғит, 42 т. чигит, 128,4 т. омухта ем, 68.8 т. нефть маҳсулотлари олишда, 42.9 млн. сўмлик дебитор ва 7.5 млн.сўмлик кредиторлик қарзларни ундиришда амалий ёрдамлар берилган.

Вилоят прокуратура органлари томонидан юқоридаги Фармон ижроси доимий назоратга олинган бўлиб, бу йўналишда ишлар давом эттирилмоқда.

**Акбархон ТУРСУНОВ,**
**Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори**



# ЁШЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ аҳолини, айниқса, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Биз уларнинг билим даражаси, дунёқараши ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб эртанги обод ва озод кунимизни аниқ ва равшан кўра оламиз. Зеро, юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган юксак эътибор, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар замирида Ватанимизнинг таянчи ва суянчи бўладиган фарзандларни кўришдек эзгу ният ётибди.

Алоҳида қайд этиш кераккки, Фориш туманида ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топиши, замонавий касб ва билимларни эгаллашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Жумладан, тумандаги 71 та умумтаълим мактаблари Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш" Давлат умуммиллий дастурига киритилган бўлиб, уларнинг 4 таси янги қурилди. 43 тасида реконструкция ва 12 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, мазкур Дастурга асосан умумтаълим мактабларининг 27 таси замонавий компьютер жамланмалари, 20 таси эса якка тартибдаги компьютер воситалари билан таъминланган. Бундан ташқари, тумандаги 1-, 8-, 67-мактаблар қошида тумандаги ахборот ресурс марказлари ташкил қилинган бўлиб, 2008-2009 ўқув йилида 4,9 млн. сўмлик бадиий китоблар олиб келинди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, улар орасида спортни оммалаштиришга бир неча йиллардан буён эътибор бериб келинмоқда. Шу мақсадда туман муассасаларининг 19 тасида спорт, 6 тасида гимнастика зали қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Туман прокуратураси томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида турли конференция, тадбир ва учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. "Ёшлар терроризм, гиёҳвандлик ва ОИТС га қарши", "Гиёҳвандлик-иллат", "Ватан остонадан бошланади", "Ёшлар-келажак ворислари" мавзуларида ўтказиладиган суҳбатлар, баҳсу мунозаралар эса ўз натижасини бермоқда.

Туман прокуратураси таълим жараёнининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш соҳасидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, 9 синф битирувчиларининг коллеж ва лицейлар томонидан тўлиқ қамраб олиниши ўқув юртларидаги, мактаблардаги давомат юзасидан мунтазам назорат йўлга қўйилган. Аниқланган хато ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароит яратиб беришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, қишлоқ ёшларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий шароитини янада яхшилаш, уларни етук ва ҳар томонлама баркамол авлод сифатида келажагимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун бор имкониятларни ишга солганмиз деб айтсак, асло муболаға бўлмайди.

**Рашид АБДУҒАНИЕВ,**
**Фориш туман прокурори**

**Аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда вилоятда ҳудудий дастур ишлаб чиқилган эди. Дастурга асосан 2009 йилда вилоятда жами 43179 та иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган эди. Ўтган олти ой натижасига кўра эса бу кўрсаткич 23643 тани ташкил этди. Янги иш ўринларига жойлашганларнинг 7104 таси хотин-қизлардан иборат. Энг муҳими, янги иш ўринларининг асосий қисми кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ташкил этилди.**

# *ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОРДА*

Жойларда шаҳар ва туман прокуратуралари ташаббуси билан ташкил этилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари аҳоли бандлиги дастурини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўтган давр мобайнида меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда 27 марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Уларда 1696 нафар киши ишга жойлаштирилди. Уларнинг 1050 нафарини аёллар ташкил этади. Энг муҳими, бундай меҳнат ярмаркаларида бўш иш ўринлари мавжуд бўлган корхона ва ташкилотларнинг фаол иштироки таъминланмоқда. Масалан, яқинда Фориш туманида ўтказилган ярмаркада тумандаги ташкилотлар билан бирга вилоятдан ҳам 50 га яқин корхона иштирок этди. Ярмаркада 176 нафардан кўпроқ киши қатнашди. Уларнинг 113 нафари иш билан таъминланди. 62 нафарига эса ишга жойлашиш учун ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бандлик дастурининг изчил назоратини таъминлашда доимий равишда унинг ижросини таъминлайдиган идораларнинг фаолияти ўрганилиб, мониторинг қилиб борилмоқда. Текшириш ва мониторинглар жараёнида бу соҳадаги қонунбузилишларнинг олди олиниб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашга эришилмоқда. 2009 йил мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан шу йўналишда жами 19 та текшириш ўтказилди. Уларнинг натижасига кўра 20 нафар шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида расман огоҳлантирилди. 63 нафар шахсга нисбатан интизомий, 223 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий, 7 нафар мансабдор шахсга нисбатан моддий жавобгарликка доир иш қўзғатилди. 27,7 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди. Фуқаролик судларига 98,2 млн. сўмлик 259 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Ғаллаорол туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режага асосан жорий йилда 32 та корхонада касаначилик асосида 256 та янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган эди. Аммо текширишлар бу соҳадаги ишлар туман бандликка кўмаклашувчи маркази ва алоқадор ташкилотлар раҳбарларининг айби билан қониқарсиз ташкил этилганлигини кўрсатди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ва туман ҳокимлигининг "Туман аҳолисининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 575-сонли қарори талаблари бажарилмасдан қолган. Туман бандликка кўмаклашувчи марказининг инспекторлари эса ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараганлар. Текшириш натижаларига кўра айбдор шахсларга нисбатан прокурор таъсир чоралари қўлланилди ва йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Бахмал туман бандликка кўмаклашувчи марказида ҳам текширишлар давомида бу соҳада жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида 24 та корхона ва ташкилот марказга бўш иш ўринлари тўғрисида ҳисобот топширмаган. Марказнинг мутахассислари томонидан эса бу ишга эътиборсизлик билан ёндашилган. Марказнинг 7 нафар инспектори интизомий жавобгарликка тортилди. Худди шундай камчиликлар Зомин, Мирзачўл туманларидаги бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятида ҳам мавжуд эканлиги аниқланди.

Мамлакатимизда ҳар бир киши меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг ана шу ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиш прокуратура органларининг муҳим бурчидир. Албатта, бундан кейин ҳам ана шу бурч масъулиятини ҳис этган ҳолда ўз фаолиятимизни ташкил этиб борамиз.

**Х.ИГАМБЕРДИЕВ,**
**Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори**




## Саҳифамизда Тошкент вилоят прокуратураси органлари



# ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАҚСАД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муддати ўтган қарздорликнинг салмоқли қисми Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Қибрай, Ўртачирчиқ, Зангиота, Янгийўл туманлари ҳиссасига тўғри келса, Паркент ва Пискент туманларида муддати ўтган қарздорликлар бартараф қилинди.

Коммунал тўловлардан қарздорликни бартараф қилиш ва истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш борасида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида вилоят бўйича коммунал тўловлардан муддати ўтган қарздорлик 8.7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига ҳам кескин муносабат билдириб келинди.

Жумладан, "STALNOY DERIJABL" масъулияти чекланган жамияти бош директори Т.Арзиқулов ва бошқалар Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси томонидан биржа савдоларига чиқарилган Чиноз туманида жойлашган "Янгиобод" ёрдамчи хўжалиги тасарруфидаги "Механик таъмирлаш устахонаси"ни 87.1 млн. сўмга сотиб олиб, шартномага асосан тўловларни амалга оширмасдан, уларга ишониб топширилган давлат объектини бутунлай бузиб, объектда мавжуд бўлган транспорт воситаларини талон-торож қилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Мазкур ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан "STALNOY DERIJABL" МЧЖ бош директори Т.Арзиқулов ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

"Микрокредитбанк"нинг Бекобод шаҳар минибанки мансабдор шахслари "Шаҳриёр омад файз" фермер хўжалигининг кредитдан қарздорлигини қоплаш мақсадида, тўлов ҳужжатларини сохталаштириш йўли билан "Зийнат Парфюм" хусусий корхонасининг ҳисоб рақамидаги 1.4 млн. сўмлик маблағларини ноқонуний равишда олиб қўйганлиги аниқланиб, Бекобод шаҳар прокуратураси томонидан банк мансабдор шахсларига нисбатан ЖК нинг 205-моддаси 1-қисми ва бошқа моддалар билан жиноят иши қўзғатилган ва айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 122.2 млн. сўмлик спирт ва алкоголли маҳсулотлар ноқонуний равишда муомалага киритилганлиги аниқланиб, 32 ҳолат бўйича ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Ердан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган қонунлар ижросини ўрганиш натижасига кўра, 275 та ҳолатда 1206,9 гектар ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 1178,8 гектар ер майдони, 144.3 т. минерал ўғит, 1.2 т. уруғлик чигит, 72.5 т. омухта ем, 42 дона қишлоқ хўжалиги техникаси, 28.1 т. ёнилғи мойлаш маҳсулотлари олиб берилган бўлса, 81.2 млн. сўмлик дебиторлик ва 42.5 млн. сўмлик кредитор қарздорликлар ундириб берилди.

Фермер хўжаликларини минерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш соҳасида ўтказилган 168 та текшириш натижалари бўйича 9291 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 1955 нафар шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 63 та жиноят ишлари қўзғатилди, айбдорлардан 24.3 млн. сўм ихтиёрий ундирилиб, 292.5 млн. сўмни ундириш ҳақида судларга 345 та даъво аризалари киритилди.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида мутасадди идоралар билан ҳамкорликнинг самарали усулларидан фойдаланиш чоралари кўрилиб, улар ўртасида жиноятчиликни 0.7 фоизга, жиноят содир этган вояга етмаганлар сони 5.5 фоизга камайиши таъминланди.

Ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига олиб келинган қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар сони 225 тадан 205 тага камайди.

Солиққа оид қонунчилик ижросини таъминлаш борасида СВОЖЖДЛҚК Департаменти вилоят бошқармаси ҳамда Давлат солиқ бошқармаси органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилди, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиб, аниқланган қонунбузилишларга қатъий муносабат билдириб келинди.

Мазкур масалада ўтказилган 316 та текширувлар натижаларига кўра 340 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 156 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилдилар. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 3 млн. сўмни ундириш ҳақида судларга 10 та даъво аризалари киритилди.

Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасидаги фаолият мувофиқлаштирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланганлиги натижасида умумий жиноятчилик олдинги йилга нисбатан 0,2 фоизга камайди.

2009 йилнинг 6 ойида вилоят прокуратураси органлари терговчилари томонидан тамомланиб, судга юборилган жиноят ишлари 54 тага камайган бўлса, айбланувчиларга "гаров" эҳтиёт чораси қўллаш 42 тага кўпайди.

Жиноятлар натижасида етказилган 7 млрд. 910 млн. сўм зарарнинг 7 млрд. 457 млн. сўми ёки 94.2 фоизи дастлабки терговда қопланди.

Шу даврда прокуратура ва ички ишлар органлари терговчилари томонидан фуқароларни ноқонуний қамоқда сақлаш ва ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларига йўл қўйилмади.

Назорат тартибида 27 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари кўриб чиқилди, шундан 16 таси ёки 59.3 фоизи прокурор протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилди.

Вилоятдаги туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган ишларнинг 65.8 фоизида, прокурор иштироки мажбурий бўлган тоифадаги 1625 та ишларда прокурор ваколати тўлиқ таъминланди.

Фуқаролик ҳуқуқий воситаларидан фойдаланган ҳолда, 4.9 млрд. сўмга киритилган 2438 та даъво аризаларнинг 1754 таси кўрилиб, 1635 та 1.5 млрд. сўмни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилиниб, шундан 1 млрд. 62 млн. сўми ёки 68.8 фоизи ундирилди.

Зарар ихтиёрий қопланганлиги сабабли 24.8 млн. сўмлик 119 та даъво аризалари тугатилди.

Вилоят хўжалик судида 6224 та низоли ишлар кўрилиб, 2180 таси ёки 35 фоизида, прокурор иштироки мажбурий бўлган муҳим тоифадаги 371 та ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланди.

Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан тегишли тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида ижро ҳужжатлари бўйича 259.2 млрд. сўмлик ижро ҳужжатларининг 136.9 млрд. сўмлиги ёки 84.7 фоизи ижро қилинди.

Мазкур масалада ўтказилган 234 та текширувлар якунига кўра 492 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 73 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратурасида тузилган ишчи гуруҳининг фаолияти жонлантирилиб, иш самарадорлигини ошириш юзасидан тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва унинг ижроси алоҳида назоратга олинди.

2009 йил 1 июль ҳолатига давлат эгалигига ўтказилган ва сотилмаган товар-моддий бойликларнинг қолдиғи 1.2 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Фуқароларнинг мурожаатлари ҳамда қабулига жиддий эътибор қаратилиб, жами келиб тушган 7632 та мурожаатлардан 2767 таси бевосита прокурор-тергов ходимлари томонидан ҳал этилиб, 258 таси қаноатлантирилди ва фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди.

Вилоят прокуратураси органлари ходимлари томонидан 5293 нафар фуқаро қабул қилинди, шундан 3247 нафари шахсан прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари қабулида бўлди.

Қонунчилик тарғиботи соҳасида 5697 та тадбирлар ўтказилиб, асосий эътибор қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини бевосита мулоқотлар ва учрашувлар ўтказиш орқали аҳолига тушунтириш ишларига қаратилди, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилиб, матбуот, радио ва телевидениеда 1108 та чиқишлар қилинди.

# Қулликдан қутулиб қолган қиз

Инсоният жамияти тарихига назар соладиган бўлсак, илк ибтидоий жамоа тузумидан кейин қулдорлик тузуми мавжуд бўлганлигига амин бўламиз. Бу тузумда қулдорлар қулларни эзиб ишлатиш, уриб ўлдириш ёки хоҳлаган пайтда сотиб юбориш ҳуқуқига эга бўлган. Орадан неча-неча асрлар ўтиб инсоният юксак тараққиёт даражасига эришган, ҳуқуқий демократик давлатлар, эркин фуқаролик жамиятлари қурилаётган бир пайтда чиркин қулдорлик тузумининг баъзи кўринишлари, яъни одамни сотиш орқали бойлик тўплаш, сотиб олиб қулдан баттар ишлатиш ёхуд фоҳишалик қилдириб, пул тўплаш иллатлари қаердан пайдо бўлди экан? Бу саволга ижтимоиётчи олимларимиз жавоб топишар, биз эса айнан одам савдоси билан шуғулланиб бойлик тўплашни ният қилган бир фуқаронинг қилмишларини кўриб чиқмоқчимиз. Тижорат ишлари билан тез-тез Туркияга бориб, келиб юрган Сайёра Салимовна (исмлар ўзгартирилган) 2008 йил сентябрь ойи ўрталарида одам савдоси билан шуғулланиб, бойиб кетиш ниятида 1980 йили туғилган Гулнора Боймуродовани аврай бошлайди. Уни Туркияга олиб бориб, яхши ишга жойлаштириб қўйишга ваъда беради. Сайёра опанинг Гулнора учун барча тўловларни ўзи амалга ошираёттани, ҳатто қарийб бир миллион сўм турадиган самолёт чипталарини ҳам ўз ёнидан олаёттани қизни шубҳага солиб қўяди.

— Опа, Туркияда мен ўзи қандай иш билан шуғулланаман?

Биронта ошхона ёки ресторанда идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишласа бу қарзларни бир-икки йилда узолмаслигига қизнинг кўзи етганди.

Сайёра опа дангалига кўчди.

— Кўп эмас, бор-йўғи икки ой фоҳишалик қилсанг, барча қарзларни узасан, қолгани ўзингга. Икки-уч йилда миллионер бўлиб қайтасан. Қизни бу қаноатлантирмади, чунки у ҳаром пулдан ҳазар қиларди.

Шу боис опага сездирмасдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза ташлаб қўйди. Аризада иккала ҳамроҳнинг исми шарифи ва уларнинг қачон Туркияга учиши батафсил баён этилганди.

Қолгани хамирдан қил суғургандек енгил кечди. Ҳужжатлар ва чипталарни текшираётган опахон Сайёра опа билан Гулноранинг чипталаридаги баъзи рақамлар тўғри келмаётганини, "Гранд Мир Ҳотел" ёнидаги чиптахона ходимлари тез-тез шунақа хатоликларга йўл қўйишларини (қачон уларга ақл киради ўзи?) Сайёра опа билан Гулнора зудлик билан фалончи хонага кириб хатони тўғрилатишлари лозимлигини, акс ҳолда самолётга кеч қолишлари мумкинлигини айтиб қолди. Унинг овозида буларнинг тақдирига қайғуриш, нима бўлсаям самолётдан қолиб кетманглар деган оҳанг мужассам эдики, Сайёра опа билан Гулнора кўч-кўронини кўтариб, айтилган хонага равона бўлишди. Улар хонага киришлари билан хона ичида ўтирган, кийган мундирлари қоматларига ярашган, Барчиной келбатли қизлардан бири эшикни тўсиб олди. Бир неча дақиқа давом этган суҳбатдан сўнг Гулнорани "керак бўлганингизда ўзимиз топамиз", деб қўйиб юборишди.

Ўзбекистоннинг гулдек қизини алдаб-авраб хорижга олиб чиқиб фоҳишаликка сотиб юбормоқчи бўлган, илоннинг ёғини ялаган опахоннинг қўлларига эса кишан урилди. "У сотқин, у мени орган ходимларига сотди", дейди опахон суд залида. Адашяпсиз опахон, бу сотқинлик эмас. Элюртнинг тинчлиги, Ўзбекистон халқининг доруломон кунларини кўролмайдиган, уларнинг вужудига чирмовуқдай чирмашиб, уларнинг ҳисобидан кун кўрмоқчи бўлган қинғирларнинг қилмишларини фош этиш сотқинлик эмас, аксинча, бу муқаддас бурч.

**Абдураим АБДУНАБИЕВ,**
**Чирчиқ шаҳар прокурори**

# ГИЁҲВАНДЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Ҳаёт эзгулик билан гўзал. Аммо баъзан эзгуликка ёвузлик кўланка солади. "XX аср вабоси" номини олган гиёҳвандлик инсоннинг осуда ҳаётига раҳна солиб, уни ўзига бўйсундириш ва онгини заҳарлашга қодир воситадир. Бу шундай қуролки, у ўз домига илинтирган одамни разолат дунёсига етаклайди ва бу жараёнда инсон жамиятдаги ўрнини йўқота бошлаганини билмай қолади.

Статистик маълумотларга кўра, гиёҳванд ўртача йигирма беш йил умр кўради. Гиёҳвандлик фақат юрак, ўпка ва асаб касалликларига олиб келмай, инсоннинг шахс сифатида ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Касалликка дучор бўлган одам ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмайди.

Гиёҳвандлик тарихига назар солсак. Бундан беш минг йил аввал тропик ўсимлик бўлмиш кока инсон ҳаёти учун керакли ҳисобланган. Жумладан, ҳиндулар кока ўсимлигини оғизларида сўриб, кўп вақт олиб юрганлар. Ушбу ўсимлик уларни очлик ва совуқдан маълум даражада асраган. Бироқ кокани доимий равишда истеъмол қилиш ҳиндуларнинг 30-35 ёшида қариб қолишига олиб келган.

Машҳур сайёҳ Америго Веспуччи Американинг Гуахиро ярим оролига уюштирган саёҳати ҳақидаги қўлёзмасида баён этишича, у ердаги одамлар яшил ўсимлик баргларини чайнаб юришган. Саёҳатчининг таъкидлашича, бу орол одамлари бадбашара ва хунук бўлган. Уларнинг бир қўлида кока ўсимлиги, иккинчисида эса оқ кукун бўлган. Кўриниб турибдики, кокадан кокаин олиш усулини биринчи бўлиб Гуахиро халқи ўйлаб топган. Лекин унинг дунёга тарқалишига испан мустамлакачилари сабабчидир. Ўша даврда кокаин савдоси уларга йилига бир миллион песодан ортиқ даромад келтириб турган.

Кокаин каби опий ҳам ўз тарихига эга. Археологларнинг изланишлари натижасида Европада тош асрида одамлар опий истеъмол қилишгани ҳақида далиллар топилган.

Хитой халқи кўп вақтлар таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган моддаларни истеъмол қилмас эди. Лекин 1821 йилга келиб "Ост-Индия" компанияси Хитойга 270 тонна опий олиб киради ва уни газлама, чинни, қимматбаҳо тошларга алмаштира бошлайди. Орадан йиллар ўтиб, Хитой иқтисодиётига катта зарар етади. Мамлакатнинг ташқи қарзи ортиб боради. Халқ орасида асосан эркаклар ушбу ўлат чангалига тушиб қолади. Хитой императори армиясининг кўп қўмондонлари гиёҳвандликка берилганлиги сабабли қўшин кучсизланади ва натижада кейинги йилларда бўлиб ўтган урушларда хитойликлар инглизларга мағлуб бўлганлар.

Гиёҳвандлик нафақат маълум бир шахсни, балки бутун бир халқ, ҳатто миллатни, давлатни йўқ қилиб юборишга қодир. Нега унда бу бало ҳануз ҳаётимизни заҳарлашни давом эттиряпти?

Бунинг сабабини дунёнинг кўпгина олимлари ўрганиб, турли хулосага келмоқдалар. Тадқиқотларда шу нарса аён бўлдики, гиёҳвандлар 16 ёшдан 35 ёшгача бўлганларни ташкил қилиб, аксарияти ўзига тўқ оилалардан экан.

Гиёҳвандликка берилган инсон жамиятига ҳеч қандай фойда келтирмайди, бильакс бошқаларни унинг домига тортишга ҳаракат қилади. Гиёҳвандлик домига тушиб қолган ёшларда ўқишга, ишга, умуман ҳаётга қизиқиш қолмайди. Бу иллатнинг айниқса, аёллар ва ёшлар орасида кўпайиши катта ижтимоий хавфга эга бўлиб, фақат маишат қилиш ёки меҳнатсиз пул орттириш манбаига айланиши ачинарли ҳолатдир. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 2009 йил 9 февраль куни И.Аскаров ва А.Чинташовлар Бекобод тумани "Бекобод" фермерлар уюшмаси ҳудудида тергов давомида шахси аниқланмаган тожик миллатига мансуб эркак кишидан 60.000 сўм эвазига умумий вазни 19.51 грамм бўлган героин гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб қайтаётганларида туман ИИБ ходимлари томонидан ушланганлиги ҳолати юзасидан ЖКнинг 28, 246-моддаси 2-қисми ва 276-моддаси 2-қисми "а,б" бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб ва тергов натижасига кўра жиноят иши судга юборилган. Суднинг ҳукмига кўра И.Аскаров ва А.Чинташовлар айбдор деб топилиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.

2009 йил 14 апрель куни Альбина Мартинова Бекобод шаҳар 13-даҳа ҳудудида Жумабой Юлдашевдан 30.000 сўм пул ва бир дона билагузук эвазига умумий вазни 8.3 грамм бўлган героин гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб қайтаётганида туман ИИБ ходимлари томонидан ушланганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва тергов натижасига кўра жиноят иши судга юборилган. Суднинг ҳукмига кўра А.Мартинова ва Ж.Юлдашевлар айбдор деб топилиб, А.Мартинова 4 йилга, Ж.Юлдашев 11 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Гиёҳвандлик муаммоси муайян бир мамлакат ёки мамлакатлар доираси миқёсидан чиқиб глобал, умумжаҳон миқёсидаги муаммога айланди. Бу нафақат ижтимоий, балки иқтисодий соҳага сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф савдоси ўз кўлами, давлатлардаги "хуфёна иқтисодиёт"да тутган ўрни бўйича қонунга хилоф қурол савдоси, одамлар савдоси билан деярли бир ўринда туриши ҳар қандай мамлакатдаги давлат тузумига хавф туғдиради.

Бугунги кунда инсон соғлиғини муҳофаза қилиш, жамият маънавиятини юксалтириш дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистонда, жумладан, Тошкент вилоятида бу борада эътиборга лойиқ ишлар қилиниб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Бевосита Бекобод туманида бу борадаги иш туман ҳудудининг катта қисми қўшни давлат ҳудуди билан чегарадош эканлиги, бу гиёҳвандликка қарши курашда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаришига қарамай, тумандаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимият, соғлиқни сақлаш идоралари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борилмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Зеро, соғлом оиладан ақлли ва билимдон фарзандлар етишиб чиқади. Соғлом жамиятда кучли давлат барпо бўлади.

**Шавкат РАҲМАТОВ,**
**Бекобод туман прокурори**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Оҳангарон шаҳар прокуратураси ҳам ўз фаолиятида Республика Президентининг Фармонлари ва қарорлари, қонунлар ҳамда Бош прокуратура ва вилоят прокуратуралари ҳайъатининг қарорлари, иш режалари асосида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, 2008 йилнинг 1-ярим йиллиги ҳамда жорий йилнинг шу даври ичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида 12 та текшириш ўтказилди. Унда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига путур етказилаётган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар кўрилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўловининг амалга оширилиши ишига қаратилди.

Масалан, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши бўйича Оҳангарон шаҳар "Сувоқава" ИЧШ корхонасида текширув ўтказилди, корхона масъул шахсларининг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараши натижасида жуда кўп миқдорда дебитор қарздорликларнинг пайдо бўлишига ва бунинг оқибатида ходимларга 2008 йил октябрь ойидан буён иш ҳақларининг ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги ва бошқа қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, текширув натижаларига кўра корхона мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида Оҳангарон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан фуқароларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биносида 3 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Мазкур ярмаркаларда шаҳар ҳудудида жойлашган 46 та корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, унда 329 нафар ишсиз фуқаро қатнашди. Натижага кўра, 81 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма, 248 нафарига турли маслаҳатлар берилди. Шунингдек, шаҳар прокуратураси ташаббуси билан аҳолини иш билан таъминлаш борасида 104 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, 84 нафар ишсиз шахслар билан меҳнат шартномалари ва меҳнат дафтарчалари юритилган ҳолда иш билан таъминланди. Бундан ташқари, шаҳар ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда 55 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Иқтисодиёт соҳасида ҳам қонунийликни таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги назорат тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, шаҳар коммунал тўловлардан қарздорликни бартараф қилиш ва истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида бир мунча ижобий натижаларга эришилди. Бу борада мутасадди идоралар ходимларидан иборат шаҳар штаби ва 18 та ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, доимий равишда коммунал тўловларни ўз вақтида ундириш чоралари кўрилмоқда. Шунга қарамай, шаҳар прокуратураси томонидан муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликларни бартараф қилиш борасида назорат тартибида ўтказилган текшириш натижаларига кўра, бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган, коммунал тўловлар бўйича дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўрмасдан, уларнинг муддати ўтиб кетишига йўл қўйган 4 нафар мансабдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

2006-2008 йиллардаги ер ажратиш билан боғлиқ шаҳар ҳокимининг қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширувлар натижасига кўра, шаҳар ҳокимининг 61 та ер ажратиш билан боғлиқ ноқонуний қарорларига нисбатан протестлар киритилган. Бундан ташқари, Оҳангарон шаҳар ҳокимининг 2007 йил 13 июндаги 143-сонли қарори билан умумий баҳоси 44.464.764 сўмлик давлат мулки бўлмиш муқаддам умумтаълим муассасасига қарашли бўлган бино ва иншоотлар ҳамда ер майдони тадбиркор З.Баҳодировга бириктириб берилиб, катта миқдордаги давлат мулкининг талон-торож қилинганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича шаҳар ҳокимлигининг масъул мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозирда иш вилоят суди томонидан мазмунан кўриб чиқилмоқда.

Маълумки, вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоялаш прокуратура органларининг доимий диққат марказида. Жорий йилнинг биринчи ярми давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича ўтказилган текширишлар самарадорлиги 2.5 фоизга яхшиланди, яъни шу давр мобайнида жами бўлиб, қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида 11 та тақдимнома ва қарорлар киритилиб, улар асосида 18 нафар шахс интизомий, 10 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 7 нафар вояга етмаган ўсмир манфаатларини кўзлаб, фуқаролик судларига даъво аризалари киритилди.

Солиққа оид қонунчилик ижросини таъминлаш борасида ҳам Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Оҳангарон шаҳар бўлими ва Давлат солиқ инспекцияси фаолияти устидан назорат кучайтирилган. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиб, аниқланган қонунбузилишларга қатъий муносабат билдириб келинган. Жумладан, бўлим томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида валютага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, шу давр мобайнида 2 нафар шахсга нисбатан Ўз.Р.ЖК 177-моддасининг тегишли қисмлари билан иккита жиноят иши қўзғатилган бўлиб, ҳуқуқбузарлардан жами 3600 АҚШ доллари ва 1млн. 80 минг Ўзбекистон Республикаси сўми далилий ашё тариқасида олиб қўйилган. Бундан ташқари, бўлим томонидан 1 та яширин нон ишлаб чиқариш цехи аниқланиб, Ўз.Р.ЖКнинг 188-моддасининг тегишли қисмлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ва фуқаролик ишлари судловининг барча босқичларида прокурор ваколатини таъминлаш орқали фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясига доимо эътибор қаратиб келинган. Шунингдек, жорий йилнинг 6 ойи давомида ҳам ушбу масалага жиддий эътибор қаратилди.

Жазо тайинлаш амалиётига тўхтаб ўтадиган бўлсак, Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар суди томонидан 2009 йилнинг 6 ойида 5 та шахс суд залидан қамоққа олинган, шулардан 1 таси муқаддам судланган ва 1 таси оғир туркумдаги жиноятни содир этганлардир. Шунингдек, 14 та шахс устидан эҳтиёт чораси қўлланилиб, суд залидан озод қилинган. Улардан 5 таси муқаддам судланган ва 7 таси оғир туркумдаги жиноятларни содир этган шахслардир.

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судида 544 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, уларнинг 515 таси бўйича ҳал қилув қарорлари, 29 тасига суд ажримлари чиқарилган. 497 тасида прокурор иштироки таъминланиб, 47 та фуқаролик иши апелляция тартибида ўрганиб чиқилган ҳолда тегишли хулосалар берилган.

Фуқаролик ҳуқуқий воситаларидан! фойдаланган ҳолда киритилган 141 та 52 млн. 290 минг сўмлик даъво аризаларининг 45 таси кўрилиб, 12 млн. 655 минг сўмни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлар қабул қилинди ва шундан 7 млн. 655 минг сўми ундирилди. 2 та 630 минг сўм ундириш тўғрисида регресс аризалари киритилиб, судда кўрилмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2 та ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция протести киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Иш бор жойда камчилик бўлади ва бундай ҳолатларда албатта, кимдир ҳуқуқлари поймол этилишидан, яна кимдир ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб берилишини илтимос қилиб, тегишли идоралар, шунингдек прокуратура органларига мурожаат қилади. 2009 йилнинг 6 ойи давомида Оҳангарон шаҳар прокуратурасига 98 нафар фуқародан ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 46 таси бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳал қилиниб, муаллифларга жавоб хатлари юборилиши таъминланган. Ҳал қилинган аризаларнинг 10 таси қаноатлантирилди ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди. Шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан жорий йил давомида 115 нафар фуқаро қабул қилиниб, шундан 41 нафари шахсан прокурор қабулида бўлган.

Оҳангарон шаҳар прокуратураси томонидан 2009 йил 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар, фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ва уларни бартараф этиш масаласи муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ш.АКБАРОВ,**
**Оҳангарон шаҳар прокурори**

**Ҳар йили сентябрь ойига келиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида дарслар бошланиб, талабалар сафидан жой олган йигит-қизлар таълим даргоҳларида ўқишни бошлайдилар.**

**Омади келмаганлар эса кейинги йилда ҳаммасини янгидан бошлашга қарор қилишади. Аммо "йиқилган курашга тўймас" деганларидай, кириш имтиҳонларида етарли балл тўплай олмаган айрим абитуриентлар, уларнинг ота-оналари қандай йўл билан бўлмасин "ишни тўғрилаш" ҳаракатига тушиб қолишади. Бу ҳолат фирибгарлар учун жуда қўл келади.**



# ЎЗ ТУЗОҒИГА ИЛИНГАН ФИРИБГАРЛАР

Носир Бекназаров (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) олий ўқув юртини тамомлагач ҳам бирон жойда ёлчитиб ишламади. Ўттиз ёшни қоралаб тайинли бир ишнинг бошини тутиш ўрнига енгил пул топиш орзусида вақтини ўтказиб юраверди. У ер-бу ерда орттирган танишларининг номини сотиб "ҳаводан пул топиш"нинг мазасини олган Носир фирибгарлик кўчасига кириб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Одамларнинг ишончига кириш учун пўрим кийинишни, улар билан хушмуомалада бўлишни одат қилди.

Айниқса, пойтахтимиздаги лицейлардан бирининг ахборот-ресурс марказида ишлаб юрган Низомжон Самедов билан танишиб қолгач, фирибгарликнинг янги усулини синаб кўришга киришди. Таниш-билишларига "ўқишга кириш истагида бўлганларни менга рўпара қилиб юбораверинг" деган мазмунда гап қистириб қўйишни одат қилди. Турган гапки, бундай "реклама" бесамар кетмади. Фарзанди ёки таниш-билишини ўқишга жойлаш истагида юрганлар уни йўқлаб кела бошлашди.

Шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, 2008 йилнинг 13 сентябрида Носир ва Низомжон "Лесная поляна" кафесида навбатдаги фирибгарликлар режасини тузиш учун учрашадилар. Бир муддат ўтиб уларнинг олдига Носирнинг таниши Лобар исмли қиз дугонаси билан келиб қолишди. Албатта бу тасодиф эмасди. Носир Лобарга ўзини "ҳар қандай олий ўқув юрти-ю коллежларда таниши бор одам" сифатида таништирган, шу сабаб қизлар уни йўқлаб келишган эди.

Гап шундаки, Лобарнинг Нигора исмли таниши Тошкент Автомобил ва йўллар институтига ҳужжат топширган ва тест имтиҳонларида етарли балл тўплай олмагани боис унга талаба бўлиш насиб этмаган эди. Лобар Нигорага Носир исмли таниши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, Низом исмли таниши эса Тошкент шаҳар ҳокимиятида ишлаши ҳақида гапириб, унинг ўқишини ана шу танишлари ҳал қилиб бериши мумкинлигини айтади. Чунки у Носирнинг гапларига чиппа-чин ишонган эди.

Барча фирибгарлар каби "ўлжалар"ининг олдида Носир ва Низом ўзларини анча сипо, шунинг баробарида уддабурон одамлардай тутишиб, аллақандай олди-бердилар, валломат танишлари ҳақида гаплашиб ўтиришди.

Лобардан Нигоранинг муаммосини диққат билан эшитганларидан сўнг Носир муддаога кўчди: Хабаринглар бўлса керак, олий ўқув юртларига кириш қийинлашиб кетган. Лекин Тошкент Автомобил ва йўллар институти раҳбарлари орасида ишончли танишларим бор. Улар билан гаплашиб кўриб, жавобини кечгача телефон орқали айтаман.

Қизлар кетишгач, Носир: — Буёғига нима қиламиз, устоз? Институтда бирон кишини танийсизми? — деди кулиб.

— Пулни олаверайлик-чи, бир гап бўлар. Барибир ишни ҳал қилолмаймиз. Қутулишнинг йўли осон, "узр, ўхшамай қолди" деб қўя қоламиз. Пулни қайтаришни сўраб таранг қилаверса, қайтарамиз-да бир кун. Унгача бир икки айлантириб оламиз. Оғзингни тўлдириб 4000 АҚШ доллари сўрайвер. Бунақа "балиқ" ҳамиша ҳам қармоққа илинавермайди. — деди муздай пиво ичиб сархуш бўлиб олган Низом Самедов.

— Низом ака, мен сиздан бемаслаҳат яна бир иш қилганман, айбга буюрмайсиз, — гапни узоқдан бошлади Носир.

— Шунақа экан-да, бу йўлга бирга кирганмиз, энди сир сақлаш йўқ, — деди Низом бироз ҳушёр тортиб.

— Дилбар опа деган бир танишим бор, мактаб директори. Ўшанинг жиянини Боровский номидаги тиббиёт коллежига ўқишга олиб кириб қўяман деб 1000 доллар олган эдим. Олишга олдим-у, ишни ҳал қилолмадим. Пулни эса аллақачон "ҳазм" қилиб юборганман. Опа кунора телефон қилиб пулини қайтаришимни сўраяпти. Нима қилсам экан?

— Нима қилардинг, "анамана" деб алдаб юравер. Безор бўлганидан охири сўрамай қўяди.

Улар кеч тушганда тарқалишди. Тарқалиш олдидан Носир Лобарга телефон қилиб, гўёки институт раҳбарияти билан гаплашган, ишни ҳал қилган одамдай ишонч билан гапира бошлади: Бу йил институтда қўшимча ўрин кам экан. Шундай бўлсаям танишингизнинг ишини ҳал қилдим. Фақат пулини тезлаштириш керак. Вақт кутиб турмайди.

— Қанча сўрашаяпти? — иккилангандай сўради Лобар.

— Ҳа, айтмадимми ҳали, тўрт минг доллар... Уч мингини эрта ёки индинга, қолганини талабалик гувоҳномасини олганидан кейин бераверади.

— Жудаям қиммат айтишмаяптими, Носир ака? Майли, мен Нигорага ҳозироқ телефон қилиб айтаман. Айтгандай, Дилноза деган танишимнинг синглиси 1-сонли Тиббиёт коллежига киролмабди. Шуниям тўғрилашнинг иложи борми? — сўради Лобар.

— Коллеж масаласини Низом ака билан гаплашиб кўраман. У сизга телефон қилади, — Носир шундай деб шеригига кўз қисиб қўйди.

Эртасига Низом ака Лобарга телефон қилиб ишни ҳал қилишини, фақат бунинг учун 800 доллар олиб келиши кераклигини, бўлмаса кеч бўлишини айтди.

Фирибгарлик, ўз-ўзидан маълумки, содда одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиб моддий манфаат кўришдан иборат жиноятдир. Одатда фирибгарлар ўз ўлжаларини "пул топиб ақл топмаганлар" орасидан танлайдилар. Энг ачинарлиси, фириб тузоғига илинганларнинг аксарияти ўз ихтиёрлари билан бу йўлни танлайдилар. Зеро, фирибгарларнинг барчаси ўлжаларига ғайриқонуний таклифлар билан мурожаат қилишади. Тўғри йўл қолиб, қинғир йўлни танлаганлар эса фирибгарлар тўрига тушиб қолганларидан кейин бошларини қайга уришни билмай қоладилар. Агар улар бироз ҳушёр бўлишса, "ҳожатбарор"лар таклиф қилаётган ишлари қонун-қоидаларга зид эканлигини тушуниб етишса, оворагарчиликларнинг олди олинган, ҳеч бир фирибгар ниятига етмаган бўлар эди.

Носирнинг гапларини Нигорага етказган Лобарнинг шашти қайтди. Сабаби, Нигора "бу одамларни яхши танийсанми ўзи? Кейин пулни ололмай сарсон бўлиб юрмайлик" деган саволни кўндаланг қўйди. Ўз навбатида синглисини коллежга киритиш ҳаракатидаги Дилноза ҳам бироз иккиланиб қолди. Бу ёқда эса фирибгарлар пулни тезроқ етказишни сўраб безор қилишаётган эди.

Лобар билан Дилноза буёғига нима қилишни билмай қолишди. Икки соатдан ошдики, маслаҳатлашиб бир қарорга келишолмаяпти. Носир ҳам, Низом ҳам муддатни қисқа айтишган, эртагаёқ пулни етказиш керак. Сўралаётган пулни топиш осон иш эмас. Пул топилди ҳам дейлик, лекин улар фирибгар бўлиб чиқишса нима бўлади?

Икки дугона ўйлаб ўйига етолмай турганларида, тасодифни қаранг, телевизорда бир гуруҳ фирибгарларнинг қилмишлари ва уларнинг жиноят устида қўлга олиниши ҳақидаги кўрсатув бошланиб қолди. Кўрсатувни охиригача томоша қилган Лобар ва Дилноза бир-бирига маъноли қараб олишди. Улар бир қарорга келиб бўлишган эди.

Эртаси куниёқ улар ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилиб, уюштирилган фирибгарлик жинояти ҳақида хабар беришди. Ишлаб чиқилган тезкор тадбир давомида фирибгарлар Носир Бекназаров ва Низом Самедовлар жиноят устида қўлга олинди. Дастлабки тергов давомида уларнинг бошқа фирибгарлик жиноятлари ҳам фош этилиб, фирибгарликни касб қилиб олганлиги аён бўлди.

Суд ҳукми билан фирибгарлар тегишли жазосини олишди.

**А.МУСАШАЙХОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**


ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН // ЭЪЛОН

## "Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади

**2009 йил 21 сентябрда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати**

| № | Мулкнинг номи | Баланс сақловчининг номи ва манзили | Мулкнинг манзили | Давлат активининг қисқача тавсифи | Мулкнинг бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бир қаватли бино | БФД, Тошкент ш. Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,Т.Малик кўчаси, 15-уй | Бино 1930 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 213,0 кв.м., фундаменти бетон, деворлари хом ғиштли. | 170 400 000 |
| 2. | 9 қаватли бинога тақаб қурилган бинонинг ертўла қисми | БФД, Тошкент ш. Миробод тум., А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй | Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 30-"В"-уй | Бино 2005 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 479,0 кв.м., фундаменти бетон, деворлари панел-бетонли. | 166 372 688 |
| 3. | 2 қаватли бинонинг бир қисми | БФД, Тошкент ш. Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Гв.пол. Ходжаев кўчаси, 1-уй | Бино 1996 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 654,0 кв.м., фундаменти бетон, деворлари ғиштли. | 389 296 697 |
| 4. | 1049,7кв.м.га тенг бўлган "Нотурар жой" қисми | Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги | Тошкент вилояти,Олмалиқ шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 41-уй | Бино 1969 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 1049,7 кв.м., кўпқаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган бўлиб, фундаменти бетон, деворлари пишган ғиштдан. | 156 684 000 |
| 5. | "Ошхона биноси" | "Сарбон" ОАЖ | Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғони | Бино 1990 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 391,0 кв.м., ошхона биноси 1 қаватдан иборат бўлиб, фундаменти бетон, деворлари пишган ғиштдан, поли цемент мозайкали. | 75 245 000 |
| 6. | "Ошхона биноси" | "Бўка ПМК" МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўка тумани, "Турон" ҚФЙ, Хўжақўрғон ф.у. ҳудуди | Бино 1991 йилда ишга туширилган, бино ва иншоотлар майдони 148,13 кв.м., ошхона биноси 1 қаватдан иборат бўлиб, фундаменти бетон, деворлари-шлакоблок ғишти, поли-кафельплиталардан, том қисми шифердан. | 10 926 000 |

*БФД -Бинолардан фойдаланиш департаменти*

*Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин. Тел. 233-52-45, 233-27-19, 233-38-69. Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz*
*Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй ҳамда ДМК Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тел. 233-35-08. ДМК Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси тел. 259-21-18*

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК 2009 йил 21 сентябрь куни очиқ АУКЦИОН ва ТАНЛОВ савдоларига таклиф этади

**I.** Бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳияси, 30-сонли турар жой биносининг 1-қаватида жойлашган, Чирчиқ шаҳар хокимлигига қарашли, умумий сатҳи 318,8 кв.м. тенг бўлган "Нотурар жой" биноси қўйилади.

Объектнинг пойдевори бетондан, девори пишиқ ғиштдан, шифти т/бетон плита, поли ёғочдан. Объект капитал таъмирга муҳтож.

**Аукцион савдоси шарти:** энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; қисқа муддат ичида сотиб олиш тўловларини амалга ошириш.

**Бошланғич баҳоси 34 100 000 сўм.** (ер участкаси ҳисобга киритилмаган).

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда (ДМҚ биноси 1-қавати чап қанотидаги савдолар зали) 2009 йил 21 сентябрь соат 15.00дан бошлаб ўтказилади.

"Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (21 сентябрь соат 12.00да) тўхтатилади.

Ушбу кундаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий аукцион савдоси 2009 йил 22, 23, 24 сентябрь кунлари соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади.

**II.** Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Назарбек" ҚФЙ, Ғиштчилар қўрғонида жойлашган, Зангиота тумани Марказий шифохонасига қарашли, собиқ "Фельдшер акушерлик бўлими" биноси.

Объект 1-қаватли бинодан иборат бўлиб майдони 81,9 кв.м. 1965 йилда қурилган. Пойдевори т/бетондан, девори ғиштдан, томи шиферли.

**Танлов савдоси шарти:** объектда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш; объектга 5,0 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш.

**Бошланғич баҳоси 10 663 207 сўм.** (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

**2.** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 1-уйда жойлашган, "Ғишт заводи" хусусий корхонасининг ижтимоий соҳа объекти бўлган "Ётоқхона бино ва иншоотлари".

Объект 1977 йилда қурилган бўлиб 4-қаватли бинодан (умумий майдони 6353,56 кв.м.) ва 1-қаватли ёрдамчи хўжалик биносидан (умумий майдони 576,67кв.м) иборат.

**Танлов савдоси шарти:** объектда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларини ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш; энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; сотиб олиш қийматидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш.

**Бошланғич баҳоси 301 384 586 сўм.** (ер участкаси ҳисобга киритилмаган).

**3.** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, "Чирчиқ шаҳар 50-йиллиги" кўчасида жойлашган Чирчиқ шаҳар хокимлигига қарашли 4-қаватли қурилиши тугалланмаган турар жой биноси.

Объект қурилиши 1990 йилда бошланган. Пойдевори бетондан, деворлари пишиқ ғиштдан, поли т/бетон плита, ташқи ва ички пардози мавжуд эмас.

**Танлов савдоси шарти:** энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; объектни уй-жой сифатида қуриб битказиш ва энг юқори инвестиция мажбуриятларни киритиш.

**Бошланғич баҳоси 299 802 204 сўм.** (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

**4.** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, "Чирчиқ шаҳар 50-йиллиги" кўчасида жойлашган Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли 9-қаватли 144 хонадонга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган турар жой биноси.

Объектнинг пойдевори бетондан, девори т/бетондан, поли т/бетон плитадан, эшик ва ромлари ўрнатилмаган. Умумий майдони 11505,19кв.м.

**Танлов савдоси шарти:** энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; объектни қуриб битказиш ва энг юқори инвестиция мажбуриятларни киритиш.

**Бошланғич баҳоси 1 351 788 196 сўм.** (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

Юқоридаги объектларнинг 21 сентябрдаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2009 йил 22, 23, 24 сентябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

**5.** Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор қўрғони, Ёшлик кўчасида жойлашган, Янгийўл туман ҳокимлигига қарашли умумий майдони 2941,73 кв.м.га тенг "Нотурар жой" биноси.

Объект майдони 2941,7 кв.м., баландлиги 12,2 м бўлиб т/бетон плита ва пишиқ ғиштдан 1974 йилда қурилган. Объект қониқарсиз аҳволда бўлиб капитал таъмирга муҳтож.

**Танлов савдоси шарти:** энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш; объектда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 100,0 млн. сўмдан кам бўлмаган инвестиция мажбуриятини қабул қилиш.

**Бошланғич баҳоси 192 000 000 сўм.** (ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

Объектнинг 21 сентябрдаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2009 йил 24, 28, 30 сентябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда (ДМҚ биноси 1-қавати чап қанотидаги савдолар зали) 2009 йил 21 сентябрь соат 11.00дан бошлаб бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (18 сентябрь соат 17.00да) тўхтатилади.

**Аукцион ва Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар** "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДКнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО-01041, СТИР- 206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

**Қўшимча маълумот ва танлов савдоси ҳужжатларини қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:** 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46. Email: info@mulk.uz. www.mulk.uz

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Навоий вилоят филиали очиқ Танлов савдоларига таклиф этади

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги очиқ танлов савдосига "Ғарбтаъминот" унитар корхонасига қарашли Навоий шаҳри, Спутник қўрғонида жойлашган қурилиши тугалланмаган "Кичик шакар ишлаб чиқариш корхонаси" қўйилади. Бино ва иншоотларнинг умумий майдони 2315,8 кв.м.

**Танлов савдоси шарти:** энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф этиш, қисқа муддат ичида сотиб олиш тўловларини тўлаш ва бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат ичида инвестицияларни киритиш, объектни қуриб битказиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 200 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестициялар киритиш, савдо ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан объект олди-сотди шартномасини имзолаш.

**Бошланғич баҳоси 91 000 000 сўм.**

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси 24-уйда (вилоят ДМҚ бошқармаси) 2009 йил 22 сентябрь соат 15.00дан бошлаб ўтказилади.

Танлов савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Навоий вилоят филиалининг ДАТ "Асака" банки Навоий вилоят филиалининг МФО:00206, СТИР:2065761326, 20210000404537599014 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Ҳар бир талабгор банкдан омонат ҳисоб рақами очириб ваколатли органга тақдим этиши шарт.

Ушбу кундаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, объектнинг такрорий танлов савдолари 2009 йил 6, 20 октябрь, 3 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

**Қўшимча маълумот ва танлов савдоси ҳужжатларини қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:** 210100, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси 24-уй, телефон: (8 436) 770-23-34, E-mail: info@mulk.uz.

**Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:**

Танлов қатнашчисининг талабномаси; таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижлик сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; талабгорга хизмат кўрсатувчи банкининг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим (объектни сотиб олиш ва сармоя киритиш баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаслиги шарт); закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиали очиқ АУКЦИОН савдоларига таклиф этади

2009 йил 22 сентябрь соат 10.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Фарғона вилояти бошқармасига балансидаги Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси, 29-уйда жойлашган автотранспорт воситалари қўйилади.

**1.** 1995 йилда и/ч **"Опель-Вектра"**, давлат рақами 15 AI 363, техник носоз. ***Бошланғич баҳоси 10 120 532 сўм.***

**2.** 1996 йилда и/ч **"ВАЗ-2106"**, давлат рақами 15 AI 360, техник носоз. ***Бошланғич баҳоси 5 440 000 сўм.***

**3.** 1996 йилда и/ч **"ГАЗ-31029"**, давлат рақами 15 AI 361, техник носоз. ***Бошланғич баҳоси 5 100 000 сўм.***

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун** "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk - Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги МФО:00497, ИНН:206761326, 20210000004537599011 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 29 сентябрь, 6, 13, 20, 27 октябрь, 3, 10, 17, 24 ноябрь, 2, 9, 16, 23, 30 декабрь кунлари соат 10.00 да ўтказилади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотларни олиш манзили:** 150100, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43- уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси, 1-қават 48-50-хона, Тел/факс (8 373) 229-70-20 Email:info@mulk.uz

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Хоразм вилоят филиали очиқ Аукцион савдоларига таклиф этади

2009 йил 22 сентябрь соат 15.00 да "Урганч экскаватор" ОАЖ балансидаги Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1-уйда жойлашган қуйидаги автотранспорт воситалари бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги Аукцион савдосига қўйилади:

**1.** 1991 йилда и/ч **"ГАЗ-3307-27"**, давлат рақами 22 АА 651. ***Бошланғич баҳоси 5 800 000 сўм.***

**2.** 1995 йилда и/ч **"МАЗ-9330"**, давлат рақами 22 AI 154. ***Бошланғич баҳоси 12 200 000 сўм.***

**3.** 1991 йилда и/ч **"КАМАЗ-5320"**, давлат рақами 22 A D 701. ***Бошланғич баҳоси 15 100 000 сўм.***

**4.** 1995 йилда и/ч **"МАЗ-5334"**, давлат рақами 22 АЕ 372. ***Бошланғич баҳоси 14 000 000 сўм.***

**5.** 1994 йилда и/ч **"МАЗ-54329-20"**, давлат рақами 22 A D 799. ***Бошланғич баҳоси 15 100 000 сўм.***

**6.** 1991 йилда и/ч **"МАЗ-54323"**, давлат рақами 22 АН 361. ***Бошланғич баҳоси 14 800 000 сўм.***

**7.** 1980 йилда и/ч **"ИКАРУС-256"**, давлат рақами 22 АН 491. ***Бошланғич баҳоси 19 900 000 сўм.***

**8.** 1989 йилда и/ч **"ИКАРУС-256"**, давлат рақами 22 АН 417. ***Бошланғич баҳоси 19 900 000 сўм.***

**9.** 1989 йилда и/ч **"ОДАЗ-9370"**, давлат рақами 22 AI 152. ***Бошланғич баҳоси 3 800 000 сўм.***

**10.** 1983 йилда и/ч **"МАЗ-5334"**, давлат рақами 22 A D 708. ***Бошланғич баҳоси 14 000 000 сўм.***

**11.** "Horazmsharobsavdo" ихтисослаштирилган улгуржи савдо базаси унитар корхонаси балансидаги 2000 йилда и/ч **"Нексия"**, давлат рақами 22 АС 909. ***Бошланғич баҳоси 6 600 000 сўм.***

Талабгорлар закалат келишуви тузилгандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Хоразм вилоят филиалининг Урганч шаҳар "Ипотека банк" Тинчлик филиалидаги МФО 00580, СТИР 206761326, 20210000004537599008 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Ушбу кундаги аукцион савдосида сотилмай қолган объектларнинг такрорий савдолари 2009 йил 29 сентябрь, 6, 13, 20, 27 октябрь, 3, 10, 17, 24 ноябрь, 1, 15, 22, 29 декабрь кунлари соат 11.00да бўлиб ўтади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотларни олиш манзили:** 220100, Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30- уй. 1- қават, 106-хона Тел/факс (8362) 770-44-01, 226-84-39, Email:info@mulk.uz

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сирдарё вилоят филиали очиқ Аукцион савдоларига таклиф этади

2009 йил 25 сентябрь соат 11.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги Аукцион савдосига "Узбекнефтгаз" МХК қарашли Сирдарё вилояти, Гулистон туманида жойлашган 2-сонли АЁҚШ филиали қўйилади.

***Бошланғич баҳоси 40 049 500 сўм.***

Аукцион савдолари Гулистон шаҳри, III-мавзе, "Бизнес маркази" биносининг 2-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган объектнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 7, 16, 23 октябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун** "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сирдарё вилоят филиалининг ДАТ "Асака банк" Гулистон филиалидаги МФО-00373, СТИР-206761326, 20210000904537599007 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3(уч) соат олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:** 120100, Гулистон шаҳри, III-мавзе, "Бизнес маркази" биноси, 2-қават, 10-11 хона. Тел/факс (8367) 221-04-01, 26-52-98 E-mail: info@mulk.uz

**Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:** Белгиланган шаклдаги талабнома, закалат тўғрисида келишув, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда. Жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати асл нусхаси.

**Аукцион ва Танлов савдолари ғолиблари** савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

# ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Ер юзидаги ҳар бир шаҳарнинг ўзига яраша тарихи бўлгани каби Тошкент шаҳри ҳам ўзининг 2200 йиллик тарихий санасини нишонлаш арафасида турибди. Қадимда Тошкент — нон шаҳри, меҳмондўст, болажон ва азим шаҳар дея таърифлаб келинган. Пойтахтимизга берилган ҳар бир таъриф ўз мазмун ва моҳиятига эга. Шаҳарга нисбатан берилган таърифлар эса азим шаҳар аҳолисига бўлган эътироф ифодаси десак муболаға бўлмайди. Яқин ўтмишга назар соладиган бўлсак, 1991 йил 31 август куни Тошкентда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. 1991 йил 29 декабрда республикамиз халқлари мустақил Ўзбекистон учун якдиллик билан овоз бердилар. Ўзбекистон Республикасининг Президенти илк бор умумхалқ овоз бериш йўли билан сайланди. Худди шу 29 декабрда Ўзбекистон пойтахти аҳолиси Тошкент шаҳар ҳокимини сайладилар. Шу кундан эътиборан шаҳримизда бошқарувнинг тарихий, миллий шакли тикланишига қадам қўйилди. Тошкентда мустақиллик шарофатидан келиб чиқиб сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий ва маданият соҳаларида туб ислоҳотлар қилина бошланди.

Иқтисодиёт соҳасида бозор муносабатларига ўтилиши талаблари асосида бизнес, ишбилармонликни, хорижий сармоялар киритилишини рағбатлантириш, янги банк-кредит тизимини барпо этиш, мулкни хусусийлаштиришга доир бир қанча амалий тадбирлар кўрилди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар соҳибкорлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очиш ривож топа бошлади. Ўзбекистонга ўқишга келиб, кейинчалик маълум бир соҳа мутахассиси бўлиб бугунги кунда меҳнат фаолиятини пойтахтимизда давом эттираётган хорижий фуқаролар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ана шундай хорижий фуқароларнинг баъзиларини суҳбатга тортиб, улардан азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Муҳаммад Жамшид Деловар (Афғонистон), тадбиркор:** — Мен Қобул шаҳриданман. Тошкентга илк бор 1996 йилда келган эдим. Тошкентда тадбиркор сифатида ишлаб келаяпман. Иккинчи мутахассисликка тиббиёт соҳасини танладим. Бу ернинг аҳолиси меҳмондўстлиги ва афғон халқи билан урф-одатларнинг ўхшашлиги билан сўзлашув нутқидаги муштараклик туфайли ўзимни бегона сезмадим. Тил марказида таҳсил олган вақтимда ўқитувчиларимиз бизни шаҳар бўйлаб саёҳатга олиб чиқишар эди. Ўша вақтдаги Тошкент кўчалари ва иморатлари билан ҳозирги кўчалар ва иморатлардаги ўзгаришлар жудда катта. Қайта таъмирланган "Хасти-Имом масжиди"га борсангиз гўёки Самарқанд ёки Бухорода юргандек ўзингизни ҳис қиласиз. Энг муҳими эса Ўзбекистоннинг, шу жумладан унинг пойтахти Тошкентнинг чиройига чирой қўшиб турган энг улуғ қадрият бу юртингиздаги тинчлик ва осойишталикдир. Бизнинг Афғонистондаги нотинчлик ва уруш энди орқада қолди. Юртимизда тинчлик ҳукм сура бошлади. Ўзбекистоннинг афғон халқини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб туриши мустаҳкам дўстлигимизга асос бўлди. Тилагим, шу замин халқининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги барқарор бўлиб, шаҳар кўркига кўрк, файзига файз қўшилсин.

**Барбарос Кайнар (Туркия), менеджер:** — Менимча, ҳар бир шаҳарнинг ўзига яраша чиройи ва кўрки бўлади. Тошкент мен кўрган шаҳарлар орасида энг чиройли ва энг файзли шаҳар десам янглишмайман. Бугунги кунда Тошкентда қурилиб, таъмирланган баъзи бир иморатларнинг ташқи ва ички дизайни Туркия архитектурасининг айрим жиҳатларини эсга солади. Туркиянинг Измир, Анкара ва Истанбул шаҳарларида замонавий услубдаги иморатлар кўпроқ қад ростлаган. Қора денгиз соҳилларига яқин порт шаҳарларимизда эса тарихий иморатлар ва тарихий обидаларни кўришингиз мумкин. Туркия ва Тошкентда фаолият кўрсатаётган сайёҳлик агентликларида икки заминнинг кўркам иморатлари, дам олиш жойлари, меҳмонхона ва ресторанларнинг рангли фотосуратларини тақдим этишади. Суратлардаги кўркам иморат, ҳашаматли бинолар ва манзарали жойларни кўриб, сизда беҳос ўша ерларни кўриш иштиёқи уйғонади. Тошкент кўчаларидаги реклама таблоларидаги электрон ва оддий рекламаларга ҳам аҳамият бериб юраман. Реклама сифати ва савияси ҳам юқори десам муболаға бўлмайди. Юртингизга кўз тегмасин.

**Дун Цзя Ли (Шимолий Корея), меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий таъминот ходими:** — Тошкентга илк бор 1997 йилда келган эдим. Орадан 12 йил ўтиб яна тажриба алмашиш учун келдим. Аввалги Тошкент чиройига чирой қўшилибди. Янги иморатлар, янги корхоналар, янги ташкилотлар ва бинолар қад ростлаган. Ўзгаришлар жуда катта. Мамлакатингизда фуқароларнинг ижтимоий таъминоти ва меҳнат муҳофазасига доир қонунлар билан танишиб, уларнинг амалдаги ижросини ўргандим. Тошкентдаги оромгоҳларга бориб, у ердаги шарт-шароитлар билан танишдим. Ва шундай хулосага келдимки, Ўзбекистон жаннатмакон замин экан.



**Ли Мин Хан (Жанубий Корея), агентлик мутахассиси:** — Мен Жанубий Кореянинг Сеул шаҳриданман. Ўзбекистонга 2002 йилда келганман. Тошкентдаги "Тил ўргатиш маркази"да ўзбек тилини ўргандим. Ҳозир "Сайёҳлик агентлиги"да ишлаяпман. Тошкентда Кореянинг бир қанча корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан бир неча йил олдин Ўзбекистонни тасаввур ҳам қилолмаганман. Аксинча, Самарқанд, Бухоро дейишса тушунардим. Энди эса Тошкентнинг довруғи ҳам машҳур бўлди. Хорижий инвестициянинг кириб келиши ва туризмнинг яхши йўлга қўйилиши боис Ўзбекистон замини жаҳон миқёсида машҳурликни забт этмоқда. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳамиша барқарор бўлсин. Халқларимизга фаровон турмуш тилайман.

**Гао Чжен Хе (Хитой), ошпаз:** — Мен Хитойнинг Тянь-Зин шаҳридан Ўзбекистонга 2001 йилда келганман. Аввало ўзбек халқи ва тилини ўргана бошладим. Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолиятимни 2002 йил январь ойидан бошладим. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Давлатингиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганлиги туфайли Тошкентда ўзимнинг "Азия" ресторанимни 2002 йил январь ойида очишга муваффақ бўлганман. Бу ерда қизим Гао Ян билан иш юритаяпмиз. Элчихона ва маданият марказларимиз билан Тошкентда, шунингдек, бизнинг юртимиздаги ҳар бир байрамни катта тантана билан нишонлаймиз. Бу йил Тошкент 2200 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида экан, халқаро дўстлик алоқаларимиз доимо мустаҳкам бўлишини тилаб қоламан.

**Амир Ҳусейн (Эрон), дипломат:** — Асли теҳронликман. Ўзбекистонга 2003 йилда келдим. Бугунги кунда Тошкентда ўзбекларнинг маданияти, урф-одатлари ва тилини ўрганаяпман. Ҳозир Эрон элчихонасининг маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси вазифасида ишлаяпман. Янги қурилган ва таъмирланган масжидлар шаҳрингиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдим. Катта таассуротларга эга бўлиб, ватандошларимга сўзлаб бердим.

**Мустафо Аҳмад Шоҳ (Покистон), инженер:** — Халқларимиз ўртасидаги урф-одат, дин ва маданият муштараклиги туфайли ҳалқингизга меҳрим тушди. 1996 ва 2000 йиллар мобайнида Тошкент Политехника институтида таҳсил олганман. 2001 йилнинг бошида Покистонга кетиб, 2008 йилнинг август ойларида Тошкентга тажриба алмашиш учун қайтиб келдим. Тошкент кўчаларини кўриб танимай қолдим. Ўзбек дўстларим билан учрашдим. Дўстларим чойхонага таклиф қилишди. Ўша пайт чойхонада бир қўшиқ янгради. Алишер исмли ўзбек дўстимдан қўшиқ маъносини сўрадим. У менга Абдулҳай Каримов "Тошкент" номли қўшиғини ижро этаяпти, деди. Алишер қўшиқ сўзларини таржима қилди. Қўшиқдаги: "Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келар", деган сўзлар эсимда қолган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Мана орадан вақт ўтиб, қайтиб келдим. Бугунги кунда пойтахт ўзгача чирой касб этган. Маҳобатли бинолар, меҳмонхоналар, ўқув юртлардаги таъмирлаш ишлари, янги-янги иморатлар, мустақиллик майдонининг реконструкция қилиниши шаҳар чиройини очган. Ўзбекистон фан-техника тараққиётидаги ислоҳотлари ва ривожланиш жараёни айрим хорижий давлатларни ҳам ортда қолдираяпти.

**Динеш Шупандей (Ҳиндистон), шифокор:** — Гўзал Тошкентга 2003 йил Лакнаудан келганман. Баъзи бир шаҳарларни кўрсангиз ўша-ўша ўзгармаган дейиш мумкиндир. Аммо бу таърифни Тошкент шаҳрига нисбатан айтсак хато бўлади. Сабаби, Тошкент кун сайин чирой очиб, кўркига кўрк қўшилиб бораётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Юртингиз тиббиёт соҳасига катта эътибор берилган. Тиббиёт соҳасига эътибор берилган юрт фуқароларининг сиҳат-саломатлиги муҳофазаланган бўлади. Жаҳоннинг машҳур жарроҳлари, масалан, Москвадаги Бурденко номли нейрохирургия шифохонасининг машҳур жарроҳи академик Н.Басков Тошкентга бир неча маротаба келиб, жарроҳлик операцияларини ўтказиб кетар экан. Малакали жарроҳларнинг юртингизга келиб тажриба алмашиши, хорижлик шифокорларнинг хусусий клиникалар очиб фаолият юритишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Масалан, Тошкентнинг Олой бозори яқинида доктор Марьям Ал-Хеби клиникаси ёки Юнусобод туманидаги Кўз касалликлари клиникасида машҳур ҳинд офтальмологи Ашокнинг фаолият кўрсатишлари юқоридаги фикрларимнинг ёрқин далилидир. Ўзбек халқи билан ҳинд халқи азалдан ўзаро дўстлик риштасини боғлаган. Бундан ташқари, Тошкентда Ажанта фарма, Лупен ЛТД каби Ҳиндистоннинг йирик фармацевтикаси фаолият кўрсатмоқда. Бир қатор ҳинд савдо-сотиқ мажмуалари, Плаза (илгариги ТАТА) меҳмонхонаси, "Рагу" ресторани ва Ҳиндистон маданият маркази гўзал юртингизнинг кўркам пойтахтида фаолият кўрсатмоқда. Истиқлолингизнинг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллиги билан самимий қутлайман. Халқингиз соғ-омон, одамлар кўзида қувонч ва юртингизда ҳамиша байрамлар бўлсин.

**«Huquq» мухбири**
**Гули ҲОЖИБОЕВА тайёрлади**


## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

**«Huquq» газетаси таҳририяти саҳифаловчи (дизайнер) ва матн терувчи лавозимларига ишга таклиф қилади!**

**Талабгорлар жорий йилнинг 10 сентябрь кунига қадар резюмеларини таҳририятга юборишлари лозим.**

**Мурожаат учун телефон: 233-26-62, 233-98-40**


## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бош прокуратура жамоаси бўлим прокурори Акбарали Юсуповга падари бузруквори **ЮНУСАЛИ отанинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти жамоаси катта инспектор Дмитрий Кимга волидаи муҳтарамаси **Полина ЛЕОНТИДИнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси Андижон шаҳар прокурорининг ўринбосари Зафар Шадмановга падари бузруквори **НЎМОНЖОН отанинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Турсунқул СУЮНДИҚОВнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

«Инсон ва қонун» газетаси жамоаси таҳририят саҳифаловчи-дизайнери **Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


**Huquq**
yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-7954. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9